

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ГУЛ КАБИ НАФИС АЁЛ



Самарқанд вилоят, Булунгур туманидаги Октепа қишлоғида яшовчи Асалоӣ ая Исроиловани ҳамқишлоқлари "Гул каби нафис аёл", деб эъзозлашади. Сабаби, аянинг гулга меҳри бўлакча.

Гул ўстириш сирларини, уларнинг турларини яхши фарқлайдиган аянинг кўнгли ҳам гулга ўхшайди. Онаҳон 7 ўғил, 3 қизни ҳам гузал хулқли қилиб ўстиргани боис, бузунги кунда фарзандлари эл-юрт ўртасида ўз хурмат-эътиборига эга. Невара-чевараларининг бири қурувчи, бири ўқитувчи, бири деҳқончилик билан машғул. Асалоӣ ая келинларини ёнига олиб, кўча ва ҳовлилар атрофида турфа хил гуллар экинни яхши кўради.

Гулни севган одамнинг дилида ёмонлик бўлмайди. Ҳар бир гулнинг ўз чиройи, ўз ҳиди, таровати бор. Уларга қараб баҳра оламан. Димоғимга урилган ҳидидан кўнглим равшан тортади, - дейди Асалоӣ ая. Яқинда туманлараро бўлиб ўтган "Гуллар" конкурсида Асалоӣ ая биринчи ўринни олди.

М. МИРСОДИҚОВ

ҚАЛБИМДАН ЖОЙ ОЛГАН

Яқинда "Оила ва жамият"нинг 40-sonи кўлимга тушиб қолди. Бир ўқишдаёқ меҳримни қозонди. Чоршанбани кутадиган бўлиб қолдим. Бир чоршанбада бозорга тушолмадим. Жумада бориб газетани сўрасам, тугади

Обуна — 2003 йил

Атиги 6 сонини ўқиб газетанинг шайдоси бўлдим. Ҳатто унга атаб шеър ҳам ёздим.

"Оила ва жамият",
Сен дардларга дармонсан.
Дилга солиб хуш ният,
Яхшиликка қарвонсан.
«Оила ва жамият»,
Саҳифангни дардларига,
Доим шерик бўламин.
Муҳаббат синовларин,
Сенда ўқиб биламин.
Шифокорсан сен гўё,
Тузатасан ёмонни.

Сен эмасму меҳринг ила,
Асраб келган замонни.
Сендан топарлар ўз жуфтини,
Дуога кўмилгансан.
Ҳис этдим меҳринг тафтини,
Зийфа кўмилгансан.
Меҳрга зор бўлганлар,
Сендан топади паноҳ.
Яшнайвергин минг йиллар,
Сени кўлласин Оллоҳ.
Гулнора ҚУТЛИЕВА
Урганч шаҳри

ЎЗБЕКНИНГ КЕЛИНЛАРИ ЎЗ ЁРТИГА МУНОСИБ

Шоҳида билан Азизбек эндигина 20 кунлик келин-куёв. Уларнинг иккиси ҳам талаба. Шоҳида Низомий номидаги Педагогика университети инглиз тили факултетининг 2-босқич талабаси. Азизбек Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг менежмент йўналиши бўйича 1-босқич магистранти. Уларнинг тўйларига ташриф буюрган ота-оналар фарзандларига ҳам мана шундай бахтиёр жуфтлик насиб этишини ният қилишди. Чунки бу икки келин-куёв узукка кўз қўйгандек бир-бирларига муносиб.

тоза, супурмай кўяверинг? - дея авайлайдилар. Чойимни ичиб, турмуш ўртоғим билан бирга дарсга борамиз.

- Азизбек билан қандай танишингиз?

- Ота-оналаримизнинг хоҳиширодами билан оила қурдик. Шунинг учунми бу хонадондаги тартиб-қоида ҳам ўз уйидагидек. Мен ўзимни жуда ҳам эркин сезаман.

- Ошхона юмушлари, овқат тайёрлашда қийналмаясизми?

- Ойижоним ҳали мени қийин ишларга солгани йўқ. Овқат

насибдан узоқлашиб кетади.

- Менда ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ. Қайта онажонимга кўпроқ суяниб қолганман. Чунки биз ҳали жуда ҳам ёш оиламиз. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини ўнчалик тушунмаймиз. Бу йўлда онам бизга кўмакдош.

- Шоҳидахонни ота уйига боришига неча кунда рухсат берасиз?

- Хоҳлаган пайтида олиб боришараман. 3 кун бўлмасидан онам: "Уйдагилари соғинибди, бориб кўриб келинлар", дейдилар.



Биз Бектемир туманининг "Бирнокор" кўрғонига яшовчи Раҳимовлар оиласига ташриф буюриб икки ёшни суҳбатга тортидик.

- Шоҳида, аввало сизни янги бахт уйига ёруғ юз билан кириб келганингиз билан табриклайман. Айтингчи, талаба келин бўлиш қийин эмасми?

- Мен ҳали қийинчиликларни сезганим йўқ. Худди ўз уйимда юргандек яшайман.

- Эрталаб соат нечада ўйғонасиз?

- Соат олтида туриб ҳовлиларни сулураман. Ҳаво совуқ бўлса ойижоним: "Бугун ҳовлимиз

ат пиширсалар ёнларида ёрдамлашиб, уларнинг овқат қилиш усулларини ўрганиб тураман.

Шоҳида билан суҳбат шу ерга етганда куёвга - Азизбекка юзландим.

- Ҳўш Азизбек, куёв бўлиш масъулияти қийин эмасмики?

- Йўқ, куёв бўлиш яхши экан. Мана Шоҳидахон уйимизга келиб оила аъзоларимиз сони бир кишига кўпайди.

- Баъзи бир йигитлар уйлангач, эрта-ю кеч келинчақ атрофида парвона бўлиб, ота-онасини, сингилларини унутиб қўйишади. Аиникса,

- Ҳаёт баъзилар ўйлагандек мураккаб эканми?

- Йўқ, Ҳаёт жуда ҳам гузал ва оддий. Фақат одамларгина уни мураккаблаштиради, ҳолос.

Бир-бирларига Ҳаётнинг узилмас ришталарини боғлаган икки ёшга чинакам бахт, оилавий хотиржамлик тилдик. Қолаверса, ўзбек хонадонинда гул каби авайланиб вояга етаётган ҳар бир қизни оқ либосга ўраниб, ўзга бир хонадонга ёруғ юз билан кириб боришини, барча орзу қиландиган келинчақ бўлишини ният қилдик.

Суҳбатдош:
Нигора ЙЎЛДОШЕВА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИГА АЁЛЛАР ҲАМ МАСЪУЛ

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузаларида белгиланган устувор йўналишларни чуқурроқ ўрганиш ва шу асосда фаолият йўналишларини белгиланган мақсадида, "Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, соғлом ижтимоий муҳитни яратишда Хотин-қизлар кўмиталарининг вазибалари" мавзусида давра

суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида юртбошимизнинг мазкур сессияда "Ўзбекистон демократик ўзгаришлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузаларида белгиланган устувор йўналишларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, бу йўналишларни амалга оширишда Хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш ҳақида фикрлашиб олинди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг аёл депутатлари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, Хотин-қизларнинг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Ушбу устувор йўналишларни амалга оширишда Хотин-қизлар кўмиталарининг олдига қўйилган вазибалар тўғрисида Республика Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова маъруза қилди.

Хулқар МЎМИНОВА

АХБОРОТ

Кеч соат 9 атрофида пойтахтимизнинг Олой бозори ёнидаги бекатда турган ёши 13-5лар атрофидаги 2 та қиз бола, 2 та ўғил бола эътиборини тортди. Тўрталасининг ҳам кўлида целлофан халтача. Болалар халтачани бурнига олиб бориб ҳидларди-да, сўнгра

экан. Беихтиёр у киши томонга қараб юрдим.
- Кечирасиз, амаки. Тинчликми, бирор ёрдамим керак эмасми? - дедим.
У менга қарамасдан, кимлигимга эътибор ҳам бермасдан овози бўғилиб:
- Яккаю ёлғиз ўғлим қамалиб қолди,

Мулоҳаза учун маззу

гизми? - деб сўрадим.

"КўЧА БОЛАЛАРИ":

бир нуктага тикилганча қотиб қолар, бироз вақт ўтганча яна шу ҳолини такрорлашарди. Атрофдаги одамларга мутлақо эътибор беришмас, ўзларининг оламларида кезишар эди.

Уларга яқинлашдим. Қарасам, қизалоқлар чўнтагидан олаётган нарса — сикма "Момент" елимми экан. Уни сиқиб целлофан халтача ичига солар ва ёнидаги шерикларига саховат кўрсатарди. Тўрттовлари кўлларидидаги бу матоҳни ҳидлаб-ҳидлаб ташқи олам таъсири уни унуттириб, ўз дунёларига равона бўлишарди. Уларнинг ёнидан ўтаётган одамларнинг баъзиси қизиқиб, яна бошқаси жирканиб, кўпчиликлари эса тамомла бефарқ бўлиб ўтишарди. Ана шундай клейлар ёки бензинга намлаб олинган латталарни ҳидлаб кайф қиладиган токсикоман болалар эди улар.

Баъзи ота-оналар боласига эътиборсиз, бир сўз билан айтганда фарзандининг қалбини тушунмасликларни туфайли уларнинг тарбияси издан чиқиб кетаяпти. Ота уйига ичиб келса, соатлаб кўшниси билан гап сотишдан чарчамайдиган она ўз боласига ярим соат вақт ажратолмас, ота-она фарзандлари олдида тортинмай жанжал қилса бола уйдан безийди-да. Халоватни кўчадан излайди... Кўнглига келган ишни қилади. Оқибатда...

Бир кун бир бино зинапоясига ўтириб олиб, рўмолчасини юзига босганича овозини чиқариб хўнграб йиғлаётган 60 ёшлар атрофидаги кишига кўзим тушди. Ёши катта одамнинг ичиндан эзилиб йиғлагани галати бўлар



УЛАР КИМНИНГ БОЛАСИ?

қиламан?
Мен шундагина бино пештоқидаги "... ПРОКРАТУРАСИ" деган ёзувни кўрдим.
Ўғли гиёҳвандлик билан қамалиб қолгани, унинг бу кўйга тушишида ўзининг ҳам айби борлигини йиғлаб-йиғлаб айтиб берган кишига нима деб тасалли беришни ҳам билмадим.
Тунов кунни ишга келаётсам, газета дўконини орқасида ҳали она сутти озгидан кетмаган (чамаси 5-6 синф ўқувчилари) болақайлар давра қуриб сикрет чекишяпти.
- Нима учун сикрет чекаясизлар? Қардан олдиларинг уни? - дейишим билан иккитаси кўлидагини ташлаб қочиб қолди. Учинчиси эса бамайлихотир:
- Сизни нима ишингиз бор? Хўжайинмисиз? - деди-да секин ўртоқларининг орқасидан кетди. Сал нарироқда pista, сақич, сикрет сотиб ўтирган аёлга кўзим тушди.
- Анаву болаларга сиз сикрет сотдин-

- Нима эди? - саволимга савол билан жавоб берди у.
- Ахир улар ҳали гўдак-ку? Оқибатини ўйламайсизми?
- Э, мендан олмас бошқасидан олади-ку барибир. Бир марта сотмаганим билан сикрет чекмай қолармиди. Менга савдо бўлиб тургани маъқул, оповеси...

Бу аёлга гап ўқтириш мушкуллигини билиб:
- Ўзингизнинг набираларингизни шуларнинг ўрнига қўйиб кўринг, олажон, - дедим-да йўлимда давом этдим.
"Бир болага етти маҳалла ота-она" дейди доно халқимиз. Маҳаллада, кўп қаватли биноларнинг бурчақларида тўп-тўп бўлиб ўтирган, ҳали мактабни ҳам битирмаган болаларнинг сикрет чекиб, ичкилик ичиб ўтиришганини кўрганимизда ўзимизни кўрмаганга оламиз. Ваҳоланки, катта-катта кўнгилсизликларнинг, қанчадан-қанча жиноятларнинг олдини олишимиз мумкин!

Бугун баркамол фарзанд тарбияси ҳақида кўп гапирилади. Мамлакатимизда болаларни ҳар томонлама етук қилиб шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Боғча, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида болаларимизнинг илми, билимдон, соғлом бўлиб камолга етиши учун барча қулайликлар яратилган, яратилаёпти ҳам. "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш" жамғармасининг ташкил этилгани бунинг яна бир исботидир. Бироқ, қанча имкониятлар яратилгани билан болага ота-онанинг тарбияси сингмаса, уни бирор касбга, хунарга йўналтириш жуда мушкул кечади. Ота-она болада меҳнат қилишга, китоб ўқишга меҳр уйғота олиш санъатини билиши керак, деб ўйлайман.
Ривоят қилишларича, қадимда бир бадавлат кишининг яккаю ёлғиз ўғли бўлган экан. Ўғил ишқамас, дангаса бўлиб вояга етибди. Ота бу ҳолдан таш-

вишга тушибди. Қанча уринмасин, барибир уни меҳнатга ўргата олмабди. Вақт ўтиб отанинг кунни битибди. Ўлими олдида ўғлини ёнига қақарибди-да: "Ўғлим, бирор касбни ўрганмадинг, менинг толганим билан кун кечирдинг. Мендан сўнг қандай ашашсан, билмадим. Ичкари уйга бир сиртмоқ осиб қўйдим. Мендан кейин ҳолинг хароб бўлишига кўзим етаяпти. Ейишга овқат топа олмасанг, ўзингни ос, қутиласан қўясан. Мени кечир, бошқа иложим йўқ", - деб айтибди. Ота вафот этганча, ўғил бир неча ой давомида уйдаги бор нарсани сотиб еб тугатибди. Кунлар кетидан кунлар ўтаверибди. Ўғил худди отаси башорат қилган ҳолатга тушибди. Меҳнат қилишни бўйнига олмабди. Оқибатда эса очликдан силласи қуриб, эти устихонига ёпиша бошлабди... Ногоҳ отасининг васияти эсига тушиб, ичкари уйга зўр базўр кириб шифтга осилган сиртмоққа бошини солибди. Шу пайт ўзини сиқиб, йигитнинг устига оғир бир нарса тушибди. Қараса, тилла тангалар хона узра сочилиб ётган эмиш. Шундан сўнг ўғил отасининг оқиллигига тан бериб, меҳнатсиз ашаш хорликка олиб келишини англаб етибди. Очлик туфайли тортган азобларини ўйлаб, ноннинг қаддини билибди. Қолган умрини ҳалол меҳнат билан ўтказибди.

Фарзанд ҳеч қачон ондан ноқобил, жиноятчи бўлиб туғилмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Фақат уни тарбиялаш, тўғри йўлни ўз вақтида кўрсата билиш ва айти пайтда ота-онанинг ўзи фарзандига ибрат бўла олиши керак. Бугун "Мактабга кетаяпман" деб кун бўйи вақтини кўчада ўтказаятган баъзи бир болалар нопок йўлларга кириб кетмаслигини қафолатлай олмаймиз. Агар ҳар бир оилада озгина тарбиялик, огоҳлик бўлса болаларимиз тарбиясида муаммолар келиб чиқиши камайарди. Биз фарзандларимизнинг болалиқларини, беғуборлиқларини асраб қолишимиз, шунинг билан бирга уларнинг келажаги ҳақида ҳам қайғуришимиз керак эмасмикан? Сиз нима дейсиз, азиз ота-оналар?

Хулқар ХОТАМБОЕВА



ТОНГ НАФАСИДЕК ТОЗА...

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрилик Камолоҳон эндигина 9 ёшга тўлди. Бироқ овозаси, тўғрироғи овози бутун республика бўйлаб таралган... Камоланинги юрагини юксак қилган унинг кўшиқлари, жисму жонига сиғмаган овози! Унинг кўшиқларини тинглаб туриб катта нафасни, келгусида улкан санъаткорлик юлдузини порлатиши мумкин бўлган шиддатни пайқадим. Камоланинги кўшиқларида кўнгул ҳарорати бор. Бу ҳарорат ўт бўлиб, шуъла бўлиб, унинг кўзларидан, сўзларидан балқиб турибди.
"Ҳар бир болада бир дохий яшайди", дейди донишмандлар. Қизидидаги бу иқтидорни, мусиқага иштиёқни ўз вақтида англаган онажониси уни моҳир бастакор Бахтиёр Асланов хузурига олиб борди. Қизалоқдаги истеъдодни бир қарашда хис қилган бастакор унга "Қор" кўшигини ёзиб берди...
Кенг далаларда қанот қоққан капалак поёнсиз осмон бағрида тобора юксакларга уча бошлагани

каби, Камолоҳон аста-секин вилоят саҳнасидан Республиканинг катта анжуманларида иштирок эта бошлади. Наврўз сайли, Мустақиллигимизнинг улкан тантаналари, турли танловлар...
Унинг кўшиқлари асосида Болалар ташкилотининг оммавий кўшиқлари ва ягона атамалари пайдо бўлмоқда. Шу йил 22-24-май кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Семурғ" оромгоҳида Болалар таш-

килотининг 1-Республика анжумани бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Камолоҳон Пардаеванинг Шуҳрат Абдиев жўрлигидаги "Қалдирғоч" дуэти ҳаммани ҳайратга солди ва ўшбу кўшиқ бутун республика болаларининг мадҳияси сифатида тан олинди.
Камоланинги иқтидорини юзага чиқаришда унинг устозлари меҳрини, меҳнатини аямаяпти. У скрипка чалишни мусиқа мактабиде ўрганаётган бўлса, рақс сирларини устози Ойша Аймаганбетовадан ўзлаштирмоқда.
Камоланинги орзулари кўп. У туғилган юрти Гулистонни жаннатга айлантириш иштиёқида. Камолоҳон дилидаги орзуларини юртбошимизга шундай йўлади: "Азиз бобожон! Менинг ажодларим ўтган бу тупроқда Широку Зарина момоларимнинг ҳайкалларини қурсам. Гулистонни ҳамма шаҳардан гўзалроқ қилсам..." Мактубга илиқина жавоб йўллади. Бу эса Камолоҳонни янада руҳлантириб юборди.
Зебо МИРЗАЕВА

ҚАД РОСТЛАЁТГАН МАҲАЛЛА

Маҳалламиз Чилонзор туманида жойлашган. Номини "Оқтепа". Мазкур маҳаллада ўндан ортиқ миллат вакилларидан иборат қарийб ўн минг киши бир оила аъзоларидай аҳил, иноқ яшашмоқда. Уларнинг фарзандларига учта болалар боғчаси, иккита ўрта мактаб хизмат кўрсатмоқда. Мустақиллик туфайли ўнлаб янги савдо дўконлари бунёд этилди. Гўзаллик салонлари, дорихоналар, тиш даволаш амбулаториялари, "Оптика" дўконлари аҳолини олисини яқин, мушқулини осон қилмоқда.
Техника фанлари доктори, профессор Хайрулла Чиллабоев маҳалла раислигига сайланган, маҳалламизга ўзгача файз кирди. Биринчи бор маҳалла фаолиятида туман таянч бўлимидаги участка нозирлари иш тартиби бир-бири билан мувофиқлаштирилди. Авваллари буларнинг ҳар бири ўз ҳолича алоҳида-алоҳида иш юритишар эди.

Маҳалламизда русий забон миллат вакиллари кўпчиликини ташкил этади. Шунга қўра маҳалламизнинг бошқаларга ўхшамайдиган ўзига ҳос хусусиятлари талайгина.
Бир қатр баянд қаватли уйлارнинг томи ҳашар йўли билан тозаланди. Қуриган довдарахлар кесилди, йўлакларга янги чироқлар ўрнатилди.
"Оқтепа" маҳалласида учта "Ўртоқлик" ширкати мавжуд бўлиб, улар ҳам маҳалланинги камий-қўстидан ўз вақтида хабар олиб туришади.
Ёшлари 70 дан ошганлигига қарамай бутун вужудидан ғайрат ёғилиб турган, ҳали жисми навқиронлики ташқир этмаган, сочлари, қошлари тим қора, қалби эса беғубор, профессор — раиснинг ишларига ривож тилаймиз. Болаларингиз, маҳаллангиз бахтига доим соғ бўлинг.
Ғойибназар МАҲМУДНАЗАРОВ



Сувратчи: Т. МИРСОДИҚОВ

- Ўз умримизни ибратли ва мазмуни ўтказдик. Оллоҳ ўғил-қизларимиз ва набираларимизнинг орзу-ҳавасини кўришга етказди. Биз энди меҳнат билан ўтган кунларимизнинг роҳатини кўраёلمиз, - дейишади Юнусобод тумани, Ғайратий маҳалласида яшайдиган Тожихон опа ҳамда Қурбон ака Саидовлар мамнуният билан.

ҚУВОНЧИМ ИЧИМГА СИҒМАСДИ

Ёшим 19да. Ўзига тўқ оиланинг фарзандиман. Ота-онам обрў-этиборли инсонлар. Уларнинг юзларини ерга қаратишдан жуда қўрқаман. Аммо...

2001 йил 12 июлда опамнинг тўйида бир йигит билан танишиб қолдим. Унинг исмини ёза олмайман, чунки у халқимиз сўйган хонанда. Ёши 27да. У мени тўйда хизмат қилгани келганида ёқтириб қолиб, бир амалларда ёқтириб рақамимни билиб олибди. Тўйдан 2 кун ўтар-ўтмас менга телефон қилди. Гўшақни ўзим олдим, исминини сўради, ҳеч нарсага тушунмай "Ким бўласиз?" дедим. У ўзини таништириб: "Тўйда сизни ёқтириб қолдим", деди. Мен лол бўлиб қолдим. Шундай танқил инсон билан гаплашаётганимга ишонмадим. Бир-биригиз билан яхшилаб танишиб олдик. Шунда мени кўрмоқчи эканлигини айтиб, учрашувга таклиф этди. Мен чиқолмаслигимни, ота-онам биллиб қолишса уришиб беришларини айтдим. У бўлса ҳеч қўймай розилигимни олди. Уша кунни учрашдик ҳам. Қувончим ичимга сиғмасди. 10 дақиқача гаплашиб, "Уйга кетишим керак" деб кетиб қолдим. Чунки биринчи мартаба учрашувга чиқишим эди. Шу учрашувдан сўнг у тез-тез кўнғироқ қилгани бўлди. Охир-оқибат унга нисбатан қалбимда "севги" деган буюк туйғу аланга олди. Бу ҳақда унга билдирмасдим, чунки жуда мағрур, ўзимга ишонган қиз эдим.

Орамиздаги муносабат қучайган сари кўрков мени қалбимни ғаш қиларди, чунки ота-онам ишончларини йўқотишдан қўрқардим. Шундай бўлса ҳам, сеvgи туйғайли кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолган эди. Бу сиримни охири онамга айтишга қарор қилдим. Оналар бўлса: "У сени сеvмайди, сеvса ҳам хонанда-ларнинг ўйнашлари кўп бўлади, агар қизим бўлсанг у билан гаплашма, агар гаплашсанг дадангга айтиб бераман, ҳеч қаерга чиқмай уйда ўтирасан!" дедилар. Онамининг гапларидан кўнглим ғаш бўлди. Бор гапни К. акамга айтдим ва бошқа учраша олмаслигимизни тушунтирдим. У бўлса: "Хамма ҳам бир эмас-ку, мен фақат

сени ёқтираман", деди. Мен онамга эмас, кўпроқ К. акамларга ишондим. Чунки, ақл-хўшдани йиғиб олган йигит худди 9 ёш кичик қизни алдаб юришига ишонмадим. Онамининг гапларини икки қилдим, уларга "Ўқишга кетдим", деб К. акамнинг олдига ошиқардим.

Қиш ойларида бири эди. Ушанда К. акам билан учрашдим, у мени қўлимни сўради. "Тўйга сен учун сарпо йағаяпман", деди. Мен эса индамадим, "Ота-онамдан сўрамайсизми олдин", десам, Сенинг розилигинг керак, сўнг отангдан сўрайман", деди. Мен индамай бошимни эгдим. Шу орқали розилигимни билиб қолди: "Сен энг бахтли қиз бўласан!", деди. Мен орзу умидга тўлиб юрган пайтимида — 6 январ кун негадир кўнғироқ қилмадилар. Эртаси кунни ўзим кўнғироқ қилсам: "Вақтим йўқ, гаплаша олмайман", деб гўшақни қўйиб қўйди. Мана орадан 7 ой ҳам ўтди. Нима сабабдан бундай қилганига хали-хануз тушунмайман. Онамининг гаплари балки рост чиққани, билмадим. Бу айрилиққа чидолмай телефон қилиб турдим. Сабабини сўрасам: "Сени ёқтираман, телефон қилишга фақат вақтим йўқ", деди. Шунча ой ўтган бўлса ҳам уни заррача ҳам унутганим йўқ. Сиқилаверганимдан ўртоғимнинг маслаҳати бўйича чека бошладим. Гоҳ-гоҳида ичиб ҳам тураман. Уни унуттишга ҳаракат қиламану, лекин ҳаммаси бекор.

Энг даҳшатлиси уни унуттиш эмас, балки ота-онам чекишимни билиб қолишса нима бўлади, деб чекишни ташлашга ҳаракат қилаётганим, барибир бир кун ўтар-ўтмас яна... Кечалари ухловмай сиқилиб кетганимда, бекиниб ароқ ҳам ичаман. Қани энди К. акамни бир сонияга бўлса ҳам унутсам. Нима қилсам уларни унутаман, ароқ, чекиш деган нарсаларни хаёлимга ҳам келтирмайман? Гоҳида ўзимга четдан қараб иродасизлигимга, ифдатсизлигимга ачиниб, кундан-кунга сўлиб бораётганимга афсусланаман. Наҳот энг қувнок 19-20 ёшимни шундай хазон қилиб ўтказсам, ё бу дардлардан қутулиш иложи бормикан?



Турмуш ўртоғим оғир касаллик туйғайли беш йил тўшқанда михланаб ётиб қолди. Уч нафар фарзандимга қараш менга қолди. Қўлимда хунарим борлиги учун бир амаллар рўзгорини тебратиб турадим. Кунларнинг бирида бир аёл мени излаб келди. Телевизорини тўзатиб беришимни илтимос қилди. Мен унинг телевизорини тўзатиб бердим. Шундан сўнг уларнинг телевизорлари тез-тез бўлиб турадиган, ва мен шу баҳона уларнигига бо-

даги бир хонали уйини берди. Мени уч нафар фарзандимни олиб у билан яшай бошладим. Ақа-уқалари опаларимнинг насиҳатларига қулоқ тутмадим. Биз Умида билан худди сеvишганлардек яшай бошладик. Орадан 5 ой ўтиб у мендан ва болаларимдан совий бошлади. Бир кун мени иш билан Шофиркон туманига кетсам, хотиним менинг болаларимни уйдан чиқариб юбориб, ўзининг аввалги эрла-

ди. Унинг бундай хўрликларига чидай олманг катта ўғлим укасини олиб яна уйдан чиқиб кетибди. Бу кўргуликлар етмаганидек қайнонам билан Умида келиб роса уришишиб, тунда кўч-кўронимизни йиғиштириб кўчага чиқариб қўйишди. Биз қизим билан тонг отгунга қадар кўчада ўтирдик. Эрталаб кўчимни олиб отамни уйига қайтиб бордим.

ТЕЛЕВИЗОР БАҲОНА ХОТИНЛИ БЎЛДИМ

риб турадиган бўлдим. Уй эгасининг турмушидан ажраган қизи бор экан. У уша қизини менга хотинликка бермоқчи бўлди. Мен унинг ширин гапларига учиб хотинимга кам эътибор берадиган бўлдим. Ана шу инсофини сувга оқизган аёлнинг қизига ошиқ бўлиб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. 2000 йилнинг март ойида хотиним оламдан ўтди. Ушанда гўёки мен учун ҳаёт тугагандек эди. Бир кун кўчада телевизорини тўзатиб берган аёлни кўриб қолдим. У маҳкам ушлаб олиб қизимга уйланасан деб туриб олди. Ноилож мен унинг қизига уйландим. Қайнонам бизга қўшни қишлоқ-

ридан орттирган икки боласи билан ўтирибди. «Болаларим қани?», деб сўрасам, «Мен ҳеч нарса деганим йўқ. Уларни чиқиб кетишди», деди. Болаларимни кеч-қурун отамниқидан топиб қолдим. Умида кун сайин менинг фарзандларимни қувиб юборадиган бўлди. Эрталаб ишга кетиб, кеч қайтганим учун уйда нималар бўлаётганини билмасдим. Бир кун у менинг икки ўғлимни уйдан чиқиб кетишга мажбур қилибди. Кичик ўғлимни тағига босиб олиб ўлдираман, сенларни ҳеч кимга кўрагинг йўқ етимчалар деб роса дўппослаб-



Мени ушбу мақолани ёзишшимдан мақсадим, ҳар бир эркак уйланишдан олдин яхшилаб ўйлаб иш қилсин. Олади-ган аёли қандай эканини синая бўрсин. Бир беъмани аёлнинг макрига учиб болаларини зор қақшатмасин.

АББОР

Газетанинг доимий мухлиси сифатида ўз жияним тўғрисида фахрланган ёзмақчиман. Зеро, менинг ёзганларим бу ҳаётда эрта адашиб аро йўлда қолиб,

матномалар юборилди. АҚШдан келиб ўқиш билан бирга мактаб ўқувчиларига инглиз тилини пухта эгаллаш бўйича сабоқ бериб, қўлаб болаларни

ЖИЯНИМ БИЛАН ФАХРЛАНМАМАН

маслаҳат сўраб мактуб ёзаётган баъзи бир қизларга сабоқ бўлади деган умиддаман.

Акам Аъзамов Мовлонжон, кеноям Аъзамова Муқаддамхон турмуш куриб 2 қиз, 2 ўғилни дунёга келтириб тарбияламоқдалар. Уларнинг иккинчи қизлари — жияним Дилноза Аъзамова Қўқон шаҳридаги 21-ўрта мактабда аёло баҳоларга ўқиб, бир неча бор шаҳар, вилоят бўйича ўтказилган кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб инглиз тили бўйича яхши ўринларга сазовор бўлди. Ва ниҳоят республика бўйича ўтказилган иқтидорли болалар конкурсида олий ўринни эгаллаб АҚШ СЭЛС халқаро ташкилоти томонидан Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатида ўқишга юборилди. У ерда нуфузли илмгоҳда 1 йил давомида ўзининг билимини мустақамлаб таҳсил олди. АҚШдан бир неча бор ота-онаси номига миннатдорчилик мактублари келди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳам муҳтарам Президентимизнинг қитоблари, раҳ-

олий ўқув юртига ўқишга киртишларига ўз хиссасини қўшди. Орадан йиллар ўтиб ўз билимини янада мустақамлаш, қўшимча тилларни ҳам пухта эгаллаш, малака ошириш мақсадида хромийлар ёрдамида Малайзия давлатига ўқишга юборилди. Мана 2 йилдики Малайзиянинг энг нуфузли олийгоҳида таҳсил олмақда. Бир неча бор Малайзия давлатининг газеталарида суратлари билан Дилноза тўғрисида мақолалар берилди. Таҳсил олаётган университетда минглаб талабалар орасинда яхши хулқи, одоби билан "Энг аълочи талаба" сифатида танилиб, университет ректорати томонидан олий стипендияга сазовор бўлди. Насиб этса келгуси йил ўқини тамомлаб она юртимизга қайтди. Авваламбор оддий бир ўзбек хонадонининг фарзанди бунчалик ютуқларга эришишига, ривожланган мамлакатларни нуфузли олийгоҳларида ўқишга сабаб, Ўзбекистонни мустақиллиги, ёшларга бўлган ишонч, қолаверса ўзининг билимга ўта бой-

лиги, ўзидаги бор билимни юзага чиқариб, келажақда Ўзбекистон халқи учун хизмат қилишга аҳд қилганидир. Президентимизни ёшларга катта эътибор бераётганига, уларни билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганига дунёнинг барча жойларига оддий бир оиланинг фарзанди Дилнозани бориб ютуқларга эришишига яққол мисолдир.

Лекин баъзан акамни кўзларидаги соғинч ёшлари, кеноямнинг орчларига билинар-билинмас орачлар оқларга кўзим тушса, оқ бунчалар оғир фарзанд соғинчи дера юрагим эзиллади. Лекин наҳора, инсонга Оллоҳ томонидан берилган беҳисоб сабр-тоқат сиз азиз ота-оналарга ёр бўлсин дейман! Сизлар шундай фарзандларинг билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. Дилноза ҳали ўз она юртимизга ёруғ юз билан хизмат қилиб, яна улкан-улкан ютуқларга эришади. Қизларингиз сизларни орзуларингизни ушалтириб, келажақда етуқ "дипломант" сифатида кўрганларингизга ишонман, ҳамма-ҳамма қийинчиликлар унуттилади. Эндигина 21 ёшли қизнинг ютуқларини кўриб жуда кўплар ҳавас қилади. Дилноза кўрган дунёдаги олийгоҳларини барча ўғил-қизлар кўришини Оллоҳдан сўрайман.

ГУЛЧЕХРА

Тошкент шаҳри

Ёшим 22да. Оилада уч фарзандим. Мен тўнғичиман. Мендан кейин 1 та укам ва 1 та синглим бор. Мен турмушга чиққан аёлман, 2 нафар шириндан фарзандларим бор. Обрўли, зиёли оилага келин бўлиб тушганман. Биз эрим билан сеvишиб турмуш қурганимиз. Ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Лекин бу узокқа чўзилмади. Мен эримни назарда тутаялман. Эрим кундан-кунга ўзгара бошлади. Уч-тўрт кунлаб уйга келмай қўйди. Иш билан сафарга кетиб, уч-тўрт ой йўқ бўлиб кетадиган одат чиқарди. Бир кун телефон кўнғироғи чалинди. Гўшақни олдим. Бир аёл эримни сўради. Мен у аёл кимлигини билмоқчи бўлдим. У аёл эримнинг иккинчи хотини экан. Эримдан 2 нафар фарзанди борлигини айтди. Мен эримни сафарга кетганларини айтдим. Эримни нимага кераклигини сўрадим. У эса ўғлимни мактабига ота-оналар мажлисига боришини айтди ва гўшақни қўйиб-қўйди. Мен эса

ўзимни тутиб туролмай йиғлаб юбордим. Эрим сафардан қайтгунч болаларимни олиб ота-онам уйига кетдим. Эрим мени олиб кетиш учун кел-са бо-

мади. Мен лаларимни етим қолишини истамайман. Шундай кунларимда Оллоҳ менга бир кишини рўпара қилди. У йигит олий маълумотли экан. У мен билан турмуш қуришни истарди. Биз тўй ҳақида гаплашганимизда уйига бир ўзим боришимни хоҳладим. Мен эса болаларим билан боришни хоҳлардим. Ва унинг уйига болаларимни ҳам боришига кўндирдим. Тўйдан кейин яхши яшай бошладик. Кейин эрим болаларимни уриб-сўкадиган бўлди. Мен у ердан ҳам кетишга мажбур бўлдим. Ота-онамниқига яшай бошладим. Шундан кейин эркак зотига ишонмайдиган бўлдим.

Мен эркакларга илтимос қилардимки, ҳеч қачон аёлларни кўзларини ёшланг. Болаларингизни етим қолишига йўл қўйманг.

МАЛИКА

Тошкент

ЎЗ ОТАМДАН НАФРАТЛАНМАМАН

Мен жуда оғир касалликка йўлиққанман. Ёшлигимга қарамай 2 йилдан бери астма касаллиғи қийнаydi. Баъзида кечқурун нафасим бўғилганидан эрталаб тура олармиканман, деб ўлайман. Шунинг учун бу гапларни унга айтмай, армон билан ўтиб кетишни истайман. Унга киши мени отам бўлади. Уша бўлган нафратим бундан 5 йил олдин бошланди. Гап шундаки, бундан бир неча йил илгари у бизни, ўз болаларини ташлаб кетди. У ойжоним билан 22 йил олдин танишган экан. Ушанда уни оиласи бор эди. Лекин негадир шунга қарамай оийм унга эрга тегади. Бошида ҳаммаси яхши бўлади. Отамнинг орашқиб кутган ўғли тугулади, кейин эса мен. Ҳаммаси орзу қилингандай... Аммо ҳамма боло

Фарғонага келганимиздан кейин бошланади. Отам Н. исми аёл билан танишиб олди. У аёлнинг 2 қизи 1 ўғли бор эди. У хотин, отамни ўзига қандай қилиб қартиб олганини билмайман-у, улар 5 йилдан буён бирга яшайди. У биз тўғримида умуман унутиб юборган. Бир кун уни машинасида ўша аёлни ва 2 қизини кўрдим. Улар жуда аҳил-иноқ оиладек кўринарди. Уларни кўриб жуда кўп азоб чеқдим. Ҳозир ёшим 16 да. Отам биз билан яшамаслигини ҳамма билди. Отам тирик бўла туриб отасизлар қаторига кириб қолдим. Отамга бўлган меҳрим аста-секин сўнганди. Ҳозир уни хўрмат қилмайман, қандай қилиб ўз фарзандидан кечиб, бошқаларни фарзандини болам деб суйган ин-

сонни хўрмат қиламан? Мен ҳам мени эркакларидан отам бўлишини истайман. Нима мени бунга ҳаққим йўқми? Билламан, отам шу газетани ўқийди. Бу мисраларни қизи, энг кенжа қизи ёзганини пайқамас ҳам. Унга икки оғиз гапим бор. Зора бу гаплар унга инсоф берса. Отажон билинг, шундай кунлар келадикки, ёшингиз бир жойга бориб, фарзанд меҳрига зор бўлганингизда мендан меҳр сўраманг. Сизни Худога топширдим, ўша аёлни ҳам. Мен сиздан розиман, сиз ҳам мендан рози бўлинг. Бугундан бошлаб мени отам, сизни эса қизингиз ўлган. Агар 16 йил ичда хато қилган бўлсам, кечиринг. Сизни чин юракдан севган қизингиз.

Н.

АЁЛИНГИЗ АЗОБ ЧЕКМАСМИ

Ўзининг сеvimли тоғаси ҳақида сўзлаётган бу қизгина баъзан кўзларидаги ёшни артиб ҳам қўяди. Уни тоғасининг турмуши ҳавотирга солаётган экан.

- Тўғри, бизнинг қариндош

- Айтсам, балки бу ҳали ёш қиз, у нимани ҳам тушунарди, дейсизда. Лекин уйда катталар ўз-ўз гаплашиб ўтиришганида эшитганларим шундай: тоғам келин-ойининг акалари билан тижорат қилишарди. Яхши яшашар-

эшитган келин-ойининг акалари тоғамни ишларидан четлатишди. Келин-ойим эса ажрашиш учун судга берди. Тоғам тўрт нафар фарзандини жуда яхши кўради. Уларни кўргани борса келин-ойим дарвозасини ҳам очмас экан. Дилдора эса укалари ҳам, ўзи ҳам отасини соғинганини менга айтади. Кўпинча аччиқ-аччиқ йиғлайди. "Қани энди ота-онамиз илгаригидек аҳил яшасам? Бунинг учун нима қилиш кераклигини билмайман-да", дея афсусланади.

- Тоғанинг ҳозир уйдан чиқиб кетганими?

- Ҳа, ҳозир у киши бизниқанда яшайди. Тоғамнинг жуда катта ҳовлиси бор эди. Ўзи ҳавас билан курганди. Уйдан чиқиб кетаётганида эғнидаги кийимларидан бошқа ҳеч нарса олмабди. Машинаси ҳам, анчагина пуллари ҳам уйда қолган. Уша пулларга келин-ойим уйини қайтадан таъмирлатганимиш, деб эшитдик.

- Нигора, оилангиздаги катталар уларни яраштиришга ҳаракат қилишадими?

- Нега энди? Жуда кўп ҳаракат қилишди. Келин-ойим эса эшитишни ҳам хохламади. Охири марта маҳалланинг обрўли кишилари билан ҳам боришди. Шунда улар ҳафа бўлиб қайтиб келишди. Чунки, келин-ойим уларга эшикни ҳам очмабди. Мана энди уларнинг ажрашишлари аниққа ўхшаб қолди.

Тоғам ҳозир жуда асабуй, сал

гапга тутақиб кетадиган бўлиб қолди. Сигарета чека бошлади, баъзан ичиб ҳам келади. Лекин жанжал қилмайди. Ичкари уйга кириб олиб мук тушганича йилда ётганини кўрадим. Илгари китоб, газета ўқимасди. Ҳозир эса кўп китоб ўқиб, кам гапирадиган бўлиб қолган. Кўпинча "Оила ва жамият" газетасини олиб келади. Бу газетани у илгари келин-ойимга олиб келарди-да. Энди ўзи қайта-қайта ўқийди. Эҳтимол, шу газета орқали уларнинг ҳаётида бирор ўзгариш бўлар, деб ўйладим.

- Нигора, демак тоғанинг ҳозир уйда, ишламайди...

- Ишга қақириб келишганди. "Ўйлаб кўраман", деди.

- Нима учун шунча вақтдан бўён бошқа ишга кирмади? Ахир иш, меҳнат кишини сал бўлса ҳам қалғидади-ку!

- Тоғамни дангаса дея олмаيمان. У киши қўли гул уста. Машина тузатиш, уй қуриш, таъмир ишларини билади. Ойим, дадам насихат қилишди. Тоғам эса: "Энди ким учун ишлайман, ким учун пул топаман? Ахир мен оилам, болаларим учун ишлардим, интилардим. Рўзгорим ҳеч кимниқидан кам бўлмасин, дер эдим. Мана энди ҳаммасидан бир йўла айриляпман. Яна рўзгор қилиб хотин олиш эса... Етти укалар тушимга кирмайди ҳам. Болаларимни бир кўришга зор бўлсам... Айтинглар, яшаб нима қилдим. Меҳр қўйган меҳрибонларимни Оллоҳнинг ўзи бу дунёда мендан жудо қилиб қўйган бўлса?.." деб

йиғлайди. Мен тоғамни яхши кўраман. Илгари у биз билан ҳазиллашиб кўлдирверарди. Ҳозир мунғайиб қолганини кўриб раҳим қилади. Агар уни яраштиришнинг иложи бўлганида эди...

Тоғаси учун жон қуйдириб таҳририятга келган бу қизгина бунча ақли экан? Меҳр ришталари билан ўз жигарбандларига мана шундай қаттиқ боғланган инсонлар кўп бўлишини истайман. Агар тўрт фарзандли бу эру-хотинлар бир-бирларини кеचиршиб ярашиб кетишганларида тўрт қорақўзнинг кўнгли кемтик бўлмасди. Энди ҳамма гап келин-ойимга қолган.

Келин-ойим! Биз сизни кўрмаганмиз. Лекин сизнинг гўзал ва оқила аёл эканлигингизга шубҳамиз йўқ. Албатта севишиб турмуш кургандирсиз. Оилангизда келишмовчилик бўлибди. Севгини, севишни билган инсонлар кеचиршини ҳам билишадими-ку! Нима бўлибди тўрт фарзандингизнинг бахти бутун бўлиши учун бир-бирингиздан ўтган гуноҳни кечирсангиз? Ахир муқаддас Ҳадисларимизда ҳам "Азизлар, кечиримли бўлинглар!" дейилган-ку! Бир ёшгина қизча сизнинг ҳаётингиз бузилишидан изтиробга тушсан-ю, нахотки сизларнинг қалбингиз музга айланган бўлса?.. Такрор-такрор ўйлаб кўринг, келин-ойим! Ортингиздаги фарзандларингиз йиллар ўтиб, оталари меҳрига зор бўлишганда сизнинг бу ишингизни кечирмаслиги мумкин.

БАСИРА

ТОҒАМ БАХТЛИ ЯШАШИ КЕРАК



уруғларимиз жуда кўп. Бошқа хоаларим ҳам бор, аммо... Мен тоғамнинг катта қизи билан деярли тенгдошман. Унинг ёши ўн тўртда, мен эса бу йил ўн беш ёшга тўлдим. Дилдора ота-онасининг ажрашиб кетишлари мумкинлигини ўйлаб жуда кўп сиқилади. У мактабда аълочи ўқирди. Оилаларида жанжал бошланганидан кейин бу унга қаттиқ таъсир қилди. Бахолари пасайиб кетди Учта укаси ҳам дадаларини, яъни тоғамни жуда яхши кўришди.

- Тоғанинг уйда жанжал нимадан бошланди ўзи?

ди. Кейинчалик тоғам бир нарса-ни пайқаб қолибди. Уйига ҳар доим харажат қилиб гуручми, ёғми ёки шунга ўхшаш нарсаларни олиб келса, эртасига келин-ойим яна худди шуларни "тамом бўлди", дея рўйхат қилиб бераркан. Аввалига унча эътибор бермаган тоғам кейинчалик сурштира бошлабди. Хотини эса: "Кундалик икки маҳал овқатга озмунча маҳсулот кетадими, етмайпти", дебди. Бир кун тоғам оғибордан нимадир излаётса, қоп-қоп гуруч, шакар, ёғларни кўриб қолибди. Келин-ойимга кўрсатибди. У эса индолмай қолибди. Шундан кейин тоғам: "Хотиним рўзгордаги ҳамма нарсани мендан яширадиган бўлибди-да", деган шубҳага борибди.

- Ахир бунинг нимаси ёмон?

Келин-ойингиз шу нарсаларни уйи, болалари учун тежаб-тергаб йиққан бўлиши ҳам мумкин-ку! Шундай эмасми?

- Билмадим. Лекин тоғам рост сўзни ёқтирадиган, қариндошуруғларининг ҳаммасига меҳрибон инсон эди. Хотинининг алдагани унга қаттиқ таъсир қилганими, кейинчалик иккиси тез-тез жанжаллашиб қоладиган бўлишди. Буни

Чоршанбадан чоршанбагача — Таширларингиз, кўнгироқларингиз...

ФАРЗАНДЛАРИНГIZ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАСАНГIZ...

- Жон болам, менинг ҳам дардимни эшитасизми? - дейди телефонда бир онахон.

- Албатта, ўзингиз ҳақингизда маълумот беринг, - дейман онахонга. У ёши 68 далғи, яшаш манзили, 6 та фарзанди ва 12 та набираси борлигини айтди. Айрим сабабларга кўра исми ва яшаш манзилини сир туттишини илтимос қилди.

- Мен катта ўғлим билан бирга тураман, - дея гап бошлади онахон. Болаларининг бари уй қилиб чиқиб кетишган. Ўғлим нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайди. Шундай қадди қомати келишган, савлатлики, мен уни "Отам" деб эркалаб мурожаат этаман. Савлати босиб, ишонасизми, ҳурмат юзасидан кўзларига тик қараб гапиршишга ҳам ботинолмайман. Шу ўғлигини асосатда қолди. 4 ой бўлди хотини иккита боласини олиб онасиникига кетиб қолди.

- Бекорга кетмагандир? Гапини бўламан онахонни.

- Шунини ўзим ҳам айтмоқчиман. Келинми рус мактабини битирган. Бизни рўзгоримиз шароитига мослашиши қийин бўлди. Ўзи олий маълумотли. Онасиникига бориб келди дегунча ҳафта ўн кун ўзгариб қоларди. Бир оғиз гапирсангиз, ўн оғиз қилиб ёқангизга ёпиштирадиди. Яна бир томони "уйда ўтирмайман, ишлайман", деди. Ўғлимнинг топши-тутиши ёмон эмас. "Нима қилсан ишлаб, рўзгор, иш билан қийналасан", деб ўғлим йўл бермади. Шунинг таъсирини, иш қилиб кетиб қолди. Набираларимни соғиниб кетдим. Биз ҳўжайиним билан "гап"га бориб тураимиз. Ўғил-қизларимиз келиб туришадиди. Уйимиз каптархонадай гап. Менга: "Бу рўзгор эмас - гор". Сизларнинг гапларингиз, рўзгордаги келим-кетим билан эримнинг бири икки бўлмайди, бизларни алоҳида қилиб қўйинглар", - дейди. Ахир қандай қилиб бир ҳовлида яшаб туриб қозон-товуқни, келим-кетимни алоҳида қилиш мумкин? Мен эътироз билдирдим. У бир гапни, мен бир гапни айтдим. Ёқамдан олиб урдим. Бу гапни ўғлимга ҳам, ҳўжайинимга ҳам айтмадим. Улар эшитса уни бир кун ҳам бу рўзгорга сиздиришмаслигини биламан. Ҳўжайинимни кўргани

кўзи йўқ, Сабаб, ҳўжайиним бир кун: "Келин овқатни кўп қилманг, 4-5 кишига яраша қилинг", деган экан. Шундан бери ёмон кўради. Келинми бир овқат қилса, қайта-қайта иситиб 2-3 кун ейишимизга тўғри келади. Кундан кунга ўғлимнинг ҳам ундан кўнгли совиб бораёпти. Яқинда ўғлимга: "Хотинингни бориб олиб кел, биз ўтиб кетадиган одамимиз, эрта бир кун болаларинг "Ота нимага бизни йиғиштириб олмадингиз", деб таъна қилганими, майли биз отанг билан укаларингнинг бириникида кунимизни кўраимиз, бизни деб оилангни барбод қилма", дедим. Ўғлим эса: "Она, хотиним деб сиз билан отамдан кечиб укаларимнинг олдига юборолмайман, эл нима дейди, "Хотинини гапига кириб ота-онасидан кеची", деган насокни кўтара олмаيمان. Юзта хотин, юзта боладан кечишим мумкин, лекин сизлардан кечиб кетолмайман", дейди болам. Болам жуда ориятли, шунга бошим қотиб қолди. Хотини: "Алоҳида яшаса бораман", деб шарт қўйибди. Шу шартни ўғлим ҳазим қилолмаяпти. Нахотки, ўғлимнинг оиласи бузилиб кетса? Нахотки биз чолу кампир бунга сабабчи бўлсак. Узимиз дунёга келтирган боламизнинг бахтли кунлари саробга айланса? Кейин нима бўлади? Биз гўримизда қандай тинч ётамиз? Нимага келинми бу хатарли йўлни танлади экан? - Она, кечирасиз, гапингизни бўламан. Келин-ойингиз ҳам уй хизматкори бўлиб юришдан безгандир. Назаримда оилаларингиз рисоладигидек. Мабодо у кўча юзини кўрмаганда "турмуш шу экан-да", деб мўмин-қобил келин бўлиб юрган бўлармиди. У ўқиган оқ-қорани таниб кўча юзини кўрган. Кўчага чиқиса, одамларга аралашгиси, ўзи ҳам меҳнат қилиб, пул топиб орзу-хавасда яшагиси келгандир. Унга йўл бермаганларингиз боис жаҳл отига мингандир. Агар ўзи ҳам ишлаб, ҳам рўзгор ташвиши билан хороб тоғанда жанжаллашишга қўли тегмаган бўларди. Фарзандингиз тақдирини ўйласангиз келин-ойингизни ҳам тўғри тушунишга ҳаракат қилиб, уларни яраштириб қўйинг. Майли, ишлайман деса ишласин. Ягона чора шу, шекилли. Сиз ҳам, ўғлингиз ҳам яхшилаб ўйлаб кўришларингиз лозим. Ахир болаларинг гуноҳи нима?

Тоҳир НОРИМОВ

Ака, бошим қотиб қолди, дейди телефонда бир йигит.

- Нима бўлди.
- Институтнинг 3-курсиди ўқийман. Ҳар томонлама қийналиб кетдим.
- Нимага?
- Оиламиз нотинч.
- Отанг нима иш қилади?
- Ишчи
- Отанг-чи?
- Онам йўқ, - деди овози титраб.
- Уч йил бўлди, кетиб қолдилар.

ОФИРНИНГ УСТИДАН,



ЕНГИНИНГ ОСТИДАН ЮРМАНГ

Ота-онам бошқа-бошқа вилоятдан, унинг устига отам гоҳ-гоҳида ичиб келиб онамни урарди, рашк қиларди. Мен ёлғиз фарзандим. Охири онам: "Ўғлим, катта бўлсанг мени тушунарсан. Мен бу мусофир юрда калтакни остида ўлиб кетишни хохламайман. Шу ота сеники. От айлиниб қозигини топади. Сенинг Ватанинг шу қишлоқ. Мени кўргани бориб турсанг, ўлсам устига бир кетмон тупроқ торсанг бўлгани", деб бирда отам ичиб юрган пайларда мени бағрига босиб йиғлай-йиғлай машинага ўтириб

кочиб кетди. Уч йилдан бери онамни кўрганим йўқ. Ўтган йили отам яна хотин олди. Уйга боргим ҳам, отамни кўргим ҳам келмайди. Нимага десангиз, отамнинг олган хотини фарзанд кутаяпти. Ўзи унчалик келишмаган бўлмаса ҳам, ҳали ёш. Шу боисдан отам мени ундан рашк қиладимни, ичиб келган пайтида менга ҳар хил бе-маза гапларни гапирарди. Онамнинг юртига боролмайман. Отамнинг уйда туришга ҳам кўзим ет-майди. Ҳозир 3-4 ойда бир бораман, шунда ҳам баъзўр бир кун уйда туриб, эртасига ўқишимни баҳона қилиб қайтиб келаман. Дардан бўш вақтларим одамларнинг ишини қилиб пул ишлайман. Нима қилай, мени дунёга келтирган отамнинг юзидан ополмасам. Дардим ичимда. Хатто, дўстларим ҳам менинг тақдиримдан воқиф эмас. Ўқишимни сиртки бўлимга ўтказсамми, деб юрибман. Бир сафар уйга борганимда отам маст экан. Хотинига: "Бу мени кўргани эмас, чўнтагида пули қолмагани учун келган-да", деб менга эшиттириб айтди. Шундан бери пул сўрамайман ҳам. Бирса 4-5 сўм беради, у ҳам йўлқирам билан 3-4 кунга аранг етади. «Сиз нима дей-

сиз, ўқишимни сиртки бўлимга ўтказайми?»

- Ўзингиз биласиз, агар қийнаётган бўлсангиз, ҳам ишлаб ҳам ўқишни давом эттиришингиз мумкин", дедим унга. Унга йўл йўриқ кўрсатиб, кўнглига таскин берган бўлдим. Лекин кимдир тирноқча зор, кимдир ўғил уйлантирадиган даражага етганда қайтадан оила қўрганини тасаввуримга сиздира олмадим. Аҳли халойиқ бунга нима дер экан? Олимжон НУРМАМАТОВ

40 ЁШДА ФАРЗАНДЛИ БЎЛДИ

«Менга ҳам бахт кулиб боқармикан» — 27-сон

ЭСЛАТМА: Икки марта турмуш қурдим, фарзандим бўлмади. Бефарзандлигим синглимга ҳам таъсир қилаётганидан эзилман. Наҳотки синглим мени деб турмушга чиқмаса? Кун сайин сўйган гул сингари хазонга айланаётгандекман. **Н.**

Гулистонлик синглим Н. Сиз: "Икки марта турмуш қурдим, лекин фарзанд бўлмади", дебсиз. Яна: "Фарзандсизлигим синглимга ҳам таъсир қилса-чи", деб ёзгансиз. Балки бундай бўлмас.

Мен сизга ўз синглимининг ҳаётини ҳикоя қилиб бермоқчиман. Синглимининг исми Нургул. У ҳам биринчи турмуши билан ўн йил яшади. Бироқ ораларида фарзанд бўлмади. Шундан кейин розилик билан ажралишди. Иккинчи ҳаётини хотини ҳаётдан кўз юмган ва 5 нафар фарзанди билан қолган Парда исмли йигит билан боғлади. Бу вақтда фарзандлари жуда ҳам ёш эди. Синглим фарзандга ташна эмасми, уларни оқ ювиб, оқ тараб, воёга етказди. Ҳозирги кунда 3 таси оилалик бўлди. 5 та фарзанди ҳам синглимининг хурматини жойига қўяди. Турмуш ўртоғи ҳам тушунган, ақли инсон. Шундай қилиб йиллар ўтди. Ва ниҳоят 40 ёшида синглим фарзандли бўлди.

Биринчи фарзанди бир ёшга тўлганда иккинчи қизи туғилди. Ҳозир ўзини 2 нафар қизи бор. Мен синглимининг бардошлилиги, сабр-тоқатлиги учун унга минг бор таъзим қилгим келади. Ҳар доим фарзандлари бошига соғ бўлсин. Бу ҳикоямдан келиб чиққан ҳолда, сизга мардлик, сабр-бардош тилайман. Хурматли Н., фарзандни эрта кечи бўлмайди. Сиз фақат ҳаётда умид билан яшанг.

Г. КУДРАТОВА

Навоий тумани

Ушбу мақолада оналар қалбини жиз эттирадиган долзарб муаммо кўтариб чиқилганлиги айни мудоао. Мана ниҳоят ўша туғруқхонада ишлаётган доялар, ҳамширалар баҳарайтган жуда машаққатли ишга ҳам урғу берадиган пайт келибди, негаки ўша ерда бир қозонда турли сутларни пишириб "тотли-тўйимли сут" тайёрлаётганлар ҳам ахир аёллар - ОНАЛАР-КУ?! Нега энди улар бу ишга юзаки қарашади? Мен ҳам баъзан бу ҳақда ўйлаб қолардим. Ўша сутларнинг сифатига ким кафолат бера олади? 1993 йили туғруқхонадан чиқаётиб бир аёлнинг дардли чехрасини кўрдим. Ўта лафотли, кўринишидан ўқтам кўринган бу аёлнинг ёнига бордим-у, нима гапчилигини сўрадим. Аёл: "Сутим ёқимсиз экан, бу боламнинг ҳам маъзаси кочиб қолди, аввалги болам 6 ойлик бўлиб нобуд бўлган эди. Сутимнинг таркибида ўзгариш бор экан", деди. Лекин ўша аёл ҳам сутини ишшачаларга солиб топширади эди. Бундай воқеани яна бир аёлдан ҳам эшитдим, яъни у 2 боласини кўйнига олиб, бағрига босиб тўйиб ҳидлай олмаган эди... Учинчи фарзандига эса "Кичкинтой" каби турли тайёр сутлардан бир неча хилни бериб, минг бир азобда катта қилди. Боласи ўта нимжон, дармданд эди. Хуллас, туғруқхона муаммоси талайгина. Бечора аёллар қизи қатори ҳамшираларнинг юзига қараб, муомаласига қараб мурожаат қилишади. Бир эмиздакдан бир неча чақалоқлар эмади ёки бир ишшача сутни бир неча бола ичади. Умуман олганда: болаларимиз тақдирига жуда бефарқмиз. Айниқса, мурғак гўдакларни 10-12 талаб бир аравачага солиб суриб юрганларини эсласам, ҳали ҳам этим жимирлаб кетади. Яна бир воқеа: Бир аёл бола-

ОНА СУТИ НОЁБ, МЎЪТАБАР, МЎЪЖИЗА

«Наслимиз тоза бўлсин, десак» — 22-сон

ЭСЛАТМА: Ўйда туғилган бола билан туғруқхонада туғилган боланинг қандай фарқлини мени қизиқтириб қўйди. Ўзим она бўлиб буни фарқини билдим. Шифокорлар ҳамма оналарнинг сутини кўшиб қайнаитаркан. Кўпчилик оналардан йиғилган сут боланинг наслига таъсир қилишини, қолаверса, бир даврда туғилган болалар эмадош бўлиб қолишини, улғайганларида турмуш қуришлари мумкинлигини ўйласан...

Назира КУРБОН,
журналист

ўткир хидли кўкатлар истеъмол қилдилар, лекин бунинг ҳам кўркак сўзига таъсири бўлади, менимча.

Умуман олганда, бўлажақ оналар, ширин келинлар, азиз онажонлар! Болаларимизнинг тили ширин, насли тоза, қолаверса, эртаси порлок бўлишини туғилган онндаёқ ўйлашимиз керак. Ривоятда айтишганидек: "Бир кампир онасиз қолган бечора чақалоқ ҳар қанча йилгаса ҳам, маҳалласида янги туққан хотинга эмиздиргиси келмайди, лекин ўғли чақалоқнинг йиғисига дош бера олмай, уни ўша аёлга эмиздириб келади. Йиллар ўтгач, қизча улғайиб отасига, моомосига гап қайтардиган, шартки бўлиб қолганда мома "ўша ишингнинг меваси бу", деб ўғлига эслатади. Демак, кўз қорачимиз бўлмиш азиз болажонлар тақдири сизу бизнинг қўлимизда, азиз ҳамшира-доялар, оқ халатидек оқ қаббли касб эгалари! Эртанги кунга қўйилаётган қадамни бугун ўйлаб кўриш вақти келмадимикан?"

Дилбар НОРМУРОДОВА

Термиз шаҳри

ДЎСТИНГ ЭМАС... ДУШМАНИНГ

«Хаммаси тушдагидай бўлди» — 43-сон

ЭСЛАТМА: 19 ёшимда бир ўртоғимнинг таклифи билан нопок йўлда юрадиган аёллар олдига бордик. У ерга ўртоғим аввал ҳам бориб юрар экан, шекилли, 18 ёшли бир қиз билан алоҳида хонага ўтиб кетди. Нима бўлаётганини тушуниб етмасимданок, мени ҳам бир аёл алоҳида хонага тортиб кетди. Ўзимни тамоман йўқотдим...

САНЖАР

Инсон ҳар жиҳатдан эркин яшасигина ҳаётнинг севиначлари татийди. Хаттоки бирор-бир дўстнинг қулига айлишини ҳам инсон учун бир қанча энгилликларни чеклаб қўяди. Айниқса бу одалтар салбий бўлса. Ароқхўрлик, қашандалар — оғир дард. Аммо, шахонинг нафсинг қулига айлишни энг даҳшатлиси.

Санжарнинг юқоридаги одат қулига айланганиги мени роса аччатибди. Бу йўлга қирмай, иродаси мухтажамлигини исботласа бўлар эди. Ахир ундан бошқа шундай йўлга кириб, оғир гуноҳ қилаётган тенгдошларимиз камми орамизда. Санжар 19 ёшда экан. Унинг ёшига етмай

фоҳишахоналарга бораётган ўспиринлар борлиги ҳаммаимизга маълум. Сизу бизнинг ёнгинаимизда юришибди улар.

Зинонинг оғир гуноҳлиги муқаддас китоблар — "Қуръони карим", "Ҳадиси шариф"ларда яққол таъкидлаб ўтилган-ку. Икки дақиқалик роҳат-фароғатни деб, наҳотки улар иймонидан кечилгачча борса... Санжарни мана шу йўлга бошлаган ўртоғини ланглатлаш керак. Нафақат уни, балки унинг номидан барча шундай нобакор тенгдошларимизни айбллашимиз керак. Буларда дённат, ор-номус тушунчаларининг йўқлиги уларнинг жамият учун ноқераклигидир. Улар ўзларининг бир чакага қимматлигини била туриб иймони бут ёшларни йўлдан уришмоқда. Олжаноблик, инсонийлик туйғуларидан йироқ ўсган бундай болалар эртага бирор жиддий касалликка чалиниб қолса нима бўлади?

Фоҳишаларни қоралаш биз учун одат тусига кириб қолган. Ўйлаймизки, улар ёним йўларга бошлашади. Билмаймизки, ёнимизда "дўстингман" деб юрганлар ҳам баъзан бизни тўғри йўлдан оздиришади.

Санжар, сизнинг шу ахлоқга тушишингизга сабабчи бўлган йигит сизга дўст эмас, душман экан. Лекин ўзингиз ҳам ақлу фаросат билан иш тушишингиз керак эди. Энди бу ёшига ўйлаб иш кўринг.

Рустам УТАМУРОД,
Нафис санъати лицейи ўқувчиси

ХАТОИНГИЗНИ ТУШУНИБ ЕТМАГАНИНГИЗДА...

«Хатоимни тушуниб етдим» — 12-сон



ЭСЛАТМА: Дилмурод исмли йигитни севаб эдим. Лекин отам мени дўстнинг ўли - Рашид исмли йигитга турмушга берди. Мен уни севаб эмас эдим. Бирок, Рашид акам уни ёқтириб қолишини кўтди. Мен Дилмурод мени ҳали ҳам яхши кўради деб ўйлар эдим... Лекин унинг муҳаббати чин эмас экан. Вақт ўтиши билан ҳақиқий севаб мард йигитларда бўлишини тушундим.

Мен ўзим ҳали ёшман. 1980 йилда таваллуд топганман. Ўқитувчилик касбини эгаллаганман.

Ҳозирча турмуш қурганим йўқ. Шундай бўлса-да, сизга ўз фикримни айтмоқчиман.

Гулҳаё опа, мен сизга маслаҳат беришга жуда ёшман, яхшиям хатонгизни вақтида тушуниб етибсиз. Агар бунга ўз вақтида англамаганингизда ҳаётингизни ўзингиз барбод қилган бўлардингиз.

Гулҳаё опа, мен сиз билан яқинроқ танишқиб маъқул кўрсангиз дўст бўлимоқчиман. Мени манзилим таҳририятда. Менга хат ёзасиз деган умиддаман. Хатда кейинги ҳаётингиз ҳақида батафсил ёзиб юборинг. Сиз билан чин опа-сингил тутуниш ниятидаман. Синглингиз,

МУҚАДДАС

Андижон вилояти,
Пахтаобод тумани

ЭСЛАТМА: - 16 ёшимда телевизорда Мексиканинг "Бойлар ҳам йиғлайди" сериалидаги Бето ролинни ижро этаётган актёрни кўриб мен неча йиллар тасаввур қилиб юрган инсоннинг қиёфасини кўрдим. Мен энди шу актёрга қиёфадоз инсонни кутаяпман. У қаерда, ким бўлишидан қатъи назар, менга садо берса...

ГУЛИ

«Мен сени ҳар кун кўригим келади» — 37-сон

Севги-муҳаббат ҳақида жуда кўпга асарлар ёзилган. Мумтоз назалару достонлар, романлар, ҳиссалар, ҳикояларнинг саногига етиб бўлмайди. Албатта, севаб-муҳаббат киши қалбига, у истайдими йўқми, хоҳлагани ҳисода кириб бораверади. У шундай пок туйғуки, у орқали ўзининг борки гўзаллигини намоян этади. Бу фақат ташқи чирой эмас, балки қалбининг гўзаллигидир.

Гули исмли қизнинг дил изҳорини ўқир экман, ўз Алишерини 15 йилдан буён кутиб яшаётганини, бу унга осон бўлмаганини албатта ҳис қилдим. Бирок бадиий асардаги қаҳрамонни айни ҳаётда ҳам шу исмдан, ташқи кўриниши ўша Мексика киносидаги каби гўзал қадди-қоматли йигитлардан излаётганини сира тушуна олмадим. Хушсурат, келишган, бироқ амалдаги ҳаракатлари билан не-не бўлмағур ишларни қилиб юрган Алишерлар камми ҳаётда?

Гули дил изҳорига актёрга қиёфадоз инсонларга мурожаат этиб, у қаерда бўлишидан, ким бўлишидан қатъи назар, садо беришини илтимос қилган. Ваҳоланки, инсоннинг сурати ҳамма вақт ҳам сийратига мос келмаслиги мумкин-ку!

Азиз синглим, Гулихон! 31 ёшга қадар ҳам Алишерингизни кутганингиз яхши. Бирок сиз ҳаётда уни ўзингиз кашф этишингиз ҳам мумкин эди-ку! Юқорида айтилгандек, ташқи кўриниши гўзал бўлмаса-да, қалби гўзал, ўзингизга му-

СЕВИШ КЕРАК, ЯШАШ ШАРТ ЭМАС...

носиб инсонга кўнгил боғлашингиз, ҳаёт йўлингизни изга солишингиз тўғри эмасми?

Дўстлик ҳақида жуда чиройли фикрларни билдирибсиз. Албатта, бу муносабат самимийлик асосида бўлиши лозим. Чин юрадкан бўлмаган дўстлик чин эмас. Ҳаётда самимий дўстлари кўп инсонларнинг сўхбатларида бўлганман. Сиз ҳам ўзингизга дўст қидирайсиз экан. Шунингдек, "шўнчаки дўстман", деган аёл ва эркакларни ҳам кузатганман. Эҳтимол бундай дўстлик болалик чоғларимизда бўлса бордир. Аммо ҳаётда эркак ва аёлнинг дўст бўлишига ишонмайман. Шу ўринда: "Дўстимнинг оиласига зарар етказмайман, юрагиди муҳаббатига ҳалал бермайман, фақат унга чин дўстлигини исбот қилиб бораман" деган сўзларингизга ишонгим келмади.

Сиз агар Алишер Навоий асаридидаги "Гули"ман, дея ўйласангиз, тасаввурингиздаги Алишерингизни ҳаётдан ана шу тарзда қидириб, умрингизни ўтказмаслигингизни маслаҳат берадим. Ҳаётда севаган инсон билан бирга яшаш шарт эмас. Унинг ҳаётда борлиги, ўша инсоннинг бахтли яшаётганлигини билишингиз ўзи ҳам катта бахт эмасми? Гоҳида ёшлигида бир-бирини севаб турмуш қурган жуфтларнинг бир-бирларига хиёнат қилиб яшаётганлари киши қалбини ларзага солади. Ана шундай кимсалар севагининг қадр-қимматини поймол қилмоқдалар... Яна шундай оилалар борки, тўйидан аввал бир-бирини кўрмай турмуш қилишган, "оҳ севаман" деган сўзларни бир-бирларига айтмасалар ҳам, меҳр-муҳаббат билан яшаб, бу туйғуни сўзсиз ҳам ардоқлаётган замондошларимиз қанча.

Айтмоқчи бўлганим шуки, Гулихон ҳам ҳаётда ўз қаҳрамонини аллақайлардан изламасдан уни ўзи кашф этмоғи керак. Ана шунда бир оиланинг бахтли бекаси бўлиб яшаши аниқ.

Феруза МИРЗОЛИМОВА
"Андижоннома" газетаси муҳбири

ЁЛГИЗЛИК ОМОҲГА ЯРАШАР

Ёшим ҳам 50 дан ошиб қолди. Оилам оламдан ўтган. Бир ўғлим бор, у ҳам уйли-жойли. Мен ёлғиз ўзим яшайман. Ўғлимдан бошқа ҳеч кимим: акам ҳам, укам ҳам, опа-сингилм ҳам йўқ. Отанам оламдан ўтиб кетишган, ўзим қишлоқда яшайман. Мен билан турмуш қуришга рози бўлган аёл бўлса, тани-

шиб оила қуриш ниятидаман. Ёлғизлик фақат Яратган Эгам - Оллоҳни ўзига ярашган. Бандаси эса жуфт билан ўтиши керак. Хаёт шундай экан, бировни эридан, бирини хотинидан ажратлади. Умирининг қолган қисмини тушунган, оқила аёл билан ўтказмоқчиман.

Турғунбой АБДУҚОДИРОВ
Фарғона вилояти

БАХТ ҲАДЯ ЭТАМАН

Ёшим 20 да. Обрули, бадавлат бир оиланинг қизиман. Ҳамма иш қўлимадан келади: пазандачилик, тикиш-бичиш ҳаммасини уддалайман. Бирок бир йигитнинг қуруқ туҳмати туйғайли шу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Мендек бахтга бор қўнгли тоза, қалби пок инсон билан танишиб вафодор, садоқатли аёл бўлиб, албатта бахтли қилиб, шириндан-шакар фарзандлар ҳадя этардим. Агар турмуш ўртоққидан айрон сабаб билан

ажрашган ёки бахтсиз ҳодиса туйғайли аёлидан айрилган инсон ё уйланишга улгурмаган йигит бўлса, бир-икки бола-си бўлса ҳам майли, шу фарзандларига бор меҳримни берардим. Яна ўзим ҳақда ёксам. Шу йил олийгоҳни тамомладим. Хусним ҳам йигитлар ҳавас қилгудай. Севги тушуначасини жуда ҳам яхши тушунаман. Шунинг учун тушунган инсонлар билан танишиб турмуш қуроқчиман. Қайси вилоят, қишлоқ ёки шаҳардан бўлишидан қатъи назар, синашиб, кўришиб турмушга чиқардим.

ВАСИЛА

БАХТИН ИЗЛАР МУСЛИМА АЁЛ

Ёшим 41-да. 2 та фарзандим - қизим ва ўғлим бор. Эрим билан ажрашганимга 8 йил бўлди. Оиламни сақлашга жуда кўп жон куйдириб ҳаракат қилганман. Лекин "Буқрини гўр тузатади" деганларидек, эримни ҳеч йўлга сололмадим. У ҳеч кимнинг гапини инобатга олмади. На мени, на ўзиникиларни менсимасди. Унинг шундай ёмон одатлари борки, бунга чидаб бўлмайди. У - фарибгар, ёлгончи эди. Таъмагирлик қилиб одамларни алдаб, пулини олиб, кейин оилаб қочиб юрар эди. Кейин одамлар сўраб-суриштириб менинг уйимга келиб жанжаллашиб кетишар эди. Баъзи одамларнинг жонига тегиб, мени ва болаларимни кўрқитишди. Узоқ давом этган мана шу кўргуликлар туйғайли, болаларимнинг розилиги билан эримдан ажралдим. Худога шукр, ҳозир болаларим билан тинчгина меҳнат қилиб яшаб юрибман. Яқинда болаларимдан тинчийман. Қизимни унаштириб қўйдим. Ўғлимни ҳам, эрта-индин уйли жойли қиламан, ўйлаб

қарасам, келажаким тўғрисида ўзим қайғуришим керак экан. Болаларимни яхши тарбиялаганман. Ёшимга нисбатан анча ёш кўринаман. Болаларим билан юрсам ҳеч ким бизларни она-бола демайди. Худди опа-укалардай юраемиз.

Менинг бирдан бир орзум — пойтахтга бориб, ўша ерда ишлаб, яшаш. Ўғлимни ҳам бирон бир коллежга ёки лицейга ўқишга қўймоқчиман. Пойтахтда уй-жойи бор, оиласидан тинчиган, бағри кенг, ростгўй, виждонли, ор-номусли, касб қорли, оила манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, Худодан кўрқадиган, дунёқарашни кенг, қўли очик, 45-50 ёшгача бўлган ёлғиз эркак билан танишмоқчиман.

Мени ўзим тозалик, озодаликни яхши кўраман. Қадди-қоматим келишган, нозикина бугдойранг аёлман. Тикиш-бичиш, рўзгор ишларини ҳаммасини биламан.

ФЕРУЗА

Бухоро

ТУПРОҚДАН ТОПГАНЛАРИМ

Ёз кунларининг бирида дала ҳовли-миздаги ҳосилни йиғиштириб олишга бордик. Кун бўйи ишлаб ҳориганимдан тезгина ухлаб қолдим. Эрталаб туриб кўрган тушимни эсладим. Тушимда шудгор оралаб кетиб бораётган йўлимдаги тупроқ орасидан иккита пичоқ топиб олдим, бу нимадан дарак эканлиги

ҳақида ўйландим. Ойлар ўтди. Шу орада ой-куним яқинлашиб, иккита ўғил кўрдим. Лекин уларга ёруғ дунёда яшаш насиб қилмади. Тушимда топганим пичоқлар - ўғил белгиси бўлиб, уларни ўнгимда ҳам тупроққа топширгандим.

Одина ЭРГАШЕВА

Тошкент шаҳри

“Матбуот тарқатувчи” Акциядорлик компанияси акциядорлари диққатига!

“Матбуот тарқатувчи” Акциядорлик компанияси 2002 йил 9 ой фаолияти натижалари бўйича дивидендлар тўлашни бошлади (дивиденд миқдори акция номинал қийматининг 25,0% ташкил қилади).

Дивидендлар жорий йилнинг 18-ноябрдан Тошкент шаҳар Толстой 1 кўчасида жойлашган ИАТ “Алоқабанк” жам-

фармаси газнаси орқали тўланмоқда (ИАТ “Алоқабанк” “Тошкент почтамти” биносида жойлашган).

Дивиденд пулларини олиш учун акциядор ИАТ “Алоқабанк” жамғарма газнасига фуқаролик паспортини тақдим этиши лозим.

“Матбуот тарқатувчи” АК Кузатув Кенгаши

ДИҚҚАТ! “ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ” БОШЛАНДИ

Маълумки, киш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мослама-ларига бўлган эҳтиёжларини бир мунча ортиб бориши билан ёнгин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 66Ф сонли фармойишига асосан, бундай ҳолатни олдини олиш учун республикада 15 ноябрдан 15 декабргача бўлган давр “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” деб эълон қилинди. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишда кўзланган асосий мақсад - халқ ҳўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали ёнгинларни олдини олиш, кескин қис-

қартириш ва фуқаролар орасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиши. Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб Сиз нафақат ойлик тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

А. Кўлдошев

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси

ОИЛА-29

35 ёшли олий маълумотли, касб-корли йигит оилани, санъатни, маърифатни тушунадиган, турмушга чиқмаган 35 ёшгача бўлган қиз билан танишмоқчи.

ОИЛА-30

Қашқадарёлик, банкда ишлайдиган, бир фарзанди бор, хушрўй, оқила ва ораста аёл 40 ёшгача бўлган (бир фарзанди бўлса ҳам майли) уй-жойли, тошкентлик эркак билан танишиб, оила қурмоқчи.

Тошкент шаҳар ҳокимияти

Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси. Тошкент шаҳар транспорт касб-хунар коллежи 11-синфини битирган ўғил-қизларни куйидаги ихтисосликлар бўйича контракт асосида 2002-2003 ўқув йили учун **ЎҚИШГА КАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1. Метро электр поезди чилангари; машинист ёрдамчиси - ўқиш мuddати 1 йил.
 2. Солиқ назорати агенти; бухгалтерия ҳисоби - ўқиш мuddати 1 йил.
- Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**
1. 11-синфини битирганлиги тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси);
 2. Солиғи тўғрисида мед. справка;
 3. Турар жойдан маълумотнома;
 4. 4-та расм (4x6). ҳужжатлар 2002 йил 1 декабргача қабул қилинади.
- Бизнинг манзилимиз: Чилонзор 20^а, 35 уй. Транспорт: 17-трамвай, 69-автобус. Илон-ота коллеж бекати.

Ҳайат дастурхонига торт ва чак-чак пишираман. Тел: 162-67-86

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компютер билимлари, - Банк иши ва компютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик курслар:
- Компютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енглиз автомобилларни электр қисмини созлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик, - Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

“Madina Begim”

Ўқув маркази куйидаги курсларга ўқишга таклиф этади:

3 ОЙЛИК: Сартарошлик (3-ой амалиёт); Уй ҳамшираси (3-ой амалиёт); **Массаж, умумий (3-ой амалиёт);** Инглиз тили. Бошловчи ва давом эттирувчилар учун. **2 ОЙЛИК:** Косметология; Компютер (индивид.); Тасвирий маникюр; Эркаклар сартароши (2-ой амалиёт); Парда ва покрывал тикиши (Элита усулида); Тикувчилик — 5 ой. Кўлда тўқши; Пальто ва плащ тикиши. **1 ОЙЛИК:** Маникюр, тасвирий; Қандолатчилик, (торт беази) олий курс сирасорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: “Хадра” меҳмонхонаси ичида, 5-қават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм маззаси, 126-мактаб ичида. Мўлжал: 13, 69-автобусларнинг охири бекати. Тел.: 144-28-11, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «НОҲИР ҚўЛЛАР»

Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
— Модели-технолог (бичиш-тикиш курслари) — 2; **4 ойлик:** — Эркаклар кийими — 2 ойлик; — Аёллар костюми, пальтоси, плащчи — 3 ойлик; — Даргарда, парда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар — 1,5; **3 ойлик.**
Битирганларга диплом берилади.
Қабул ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.
Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг “Амир Темур” бекати, Магазин “Top moda”, Тел: 133-73-97, 76-71-95.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ 10 Ёшдан ошган Ўғил ва қиз болаларни БАТАМОН ДАВОЛАЙДИ.
Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.
Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. “Чорсу” шохбекатидан 464, 469, 522-автобусларнинг “Генерал Собир Раҳимов” бекатига чакан борилади. Телефон: 8 296 56023.
Лицензия рақами 3271

“ЎКТАМХОН” ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар кунда, ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бициш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.
- Бунда сиз 100 дан ортик замонавий либослар, костюм-шм, бешик усти жиҳозларини бициш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Компютер сабоқлари - 2 ой (якка тартибда), (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint) - 3. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқуш. 2 ой амалиёт машгулотлари ўтлади; 4. Каштачилик — 3 ой, машинада тикиш — 3 ой;
5. Зардўзлик (бухороча) — 3 ой;
6. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой;
7. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.
8. Торт ва турли хил пишириллар - 2 ой. 6. Инглиз тили - 3 ой;
9. Парда ва гақриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқушни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори оқинасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ КОШИДАГИ “ОИЛА ЗИЙНАТИ” МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги ўқув курсларни ташкил этди:


2 ойлик:
- Бициш-тикиш (тежор гурӯҳ); - “Элита” усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойда - **4000 сўм.** - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойда - **4000 сўм.** - Компютер билимлари, (Windows-98) бир ойда - **5000 сўм.** - Массаж, (амалиёт билан) бир ойда - **4000 сўм.** - Оқшом либосларини беази, бир ойда - **4000 сўм.** - Машинада гул тикиш, (вишичка) бир ойда - **4000 сўм.** - Косметология, бир ойда - **5000 сўм.**

3 ойлик:
- Зардўзлик, (бухороча) бир ойда - **4000 сўм.** - Кўрна-қўрпача тун ва бешик асбобларини тикиш - **4000 сўм.** - Инглиз тили, бир ойда - **4000 сўм.**

4 ойлик
- Бициш-тикиш (бошловчилар учун), - Сартарошлик, - Бициш-тикиш (булда моден бўйича),

Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегириналор берор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

1. Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт қўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58. Мўлжал: метронинг “Халқлар Дўстлиги” бекати.
2. Манзил: Миробод тумани “Олтин кўл” 2-тор кўча, Кора сув маҳалла идораси, мўлжал Рисивий бозор, «Узямсомолтор». Тел: 191-78-02.
3. Манзил: Кора-Қамиш даҳаси 2/3, 31-уй, 56-хонадон. Тел: 29-28-58.



ЮРАГИМГА МУҲАББАТНИ ЗОР ҚИЛДИНГИЗ...

Уни даставвал кўрганимда ҳали турмушга чиқмаган кўз бўлса керак, деб ўйлагандим. У юрагини кемираётган дарду ҳасратларини сўзлаб бериш, бу борадаги фикримни эшитиш учун мени сўроқлаб келганди. Менинг қошимга келишдан аввал эр-хотин ўртасида мана бундай сўхбат бўлиб ўтди.

... Йўқ, Юлдуз! Энди бизники тузалмас дард. Турмушимиз бўлмайдими дедим-ку... Кўй энди, қийналма. Бошидан ўзинг англамаган эдингми? Нега, Равшан ака? Нега бошида ростини айтмаган эдингиз? Ота-онангизнинг орзу-хавасини деб менинг умримни ҳазон қилдингиз-ку. Нега? Менинг ҳам орзу-умидларим бор эди-ку, ахир. Ё мен тош эдимми? Сизнинг шунчалик ситамларингизни кўтариш учун яралмагандирман? Майли, розиман, кетинг, кетинг ўша кўз очиб кўрганингизга...

Юлдуз бошқа гапиролмади. Ҳар сафар айтадиган: "Хўп, майли, мени ҳам олдингизга — шаҳарга элтинг, мен розиман, уни ҳам хотиним денг, фақат мен ёнингизда бўлсам бас", деган гапларини бу сафар айтолмади. Ҳозир фақат тўйиб-тўйиб йиғлагиси, ҳаётни унутиб, одамлардан холи манзилларга бош олиб кетгиси келарди. Қани энди бирор илоҳи бўлса-ю, қаршисида бош эгиб турган, умр йўлдоши бўлиб, бир йил ҳам умрига йўлдош бўлолмаган Равшанни ҳам, бўлиб ўтган воқеаларни ҳам, юрагини симсим оғритаётган оламини ҳам қайта эсламас даражада унута олса. Юлдуз ҳаёлида ўрнашиб қолган: "Мендан ёшроқ, гўзалроқ бўлса ҳам майлидими-я, наҳот шу онаси тенги аёлни, деб боридан кечса... Наҳот муҳаббат шу бўлса?" деган фикрлардан қутулиш йўлини излай бошлади. Ўрнидан туриб эшикка чиқмоқчи эди, деворга қоқилган сўзанинг ўртасига илб қўйилган, зардўзи қубба билан безатилган духоба қўйлакчага кўзи тушди. Келинлик сарполарига қўшиб яхши ният билан онаси юборган эди. Лекин шу қўйлакчага бирга кечган турмушлари давомида Равшан бирор марта ҳам фарзанд деб гап очмади. Узи эса байраму тўй баҳонасида уч ё тўрт марта уйга "меҳмон" бўлиб келиб яна шаҳарга ошиқиб кетди. Шунчалар кўнгал қўйганининг боисини энди тушуни етди...

"Барибир бахтим учун курашишим, чидам билан уни қайта яшашим керак эди", деган пушаймон ҳали мени кўп қийнаши аниқ деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча, шу гап ҳаёлимга келса ҳамки ўша аёлнинг: "Равшан меники эди, меники бўлиб қолади!", деган сўзлари қулоғим остида жаранлагандек бўлади. Айтинг-чи, шу гапдан сўнг қим ҳам бахтдан умид истайдими?

Юлдузнинг кўзларида жавдирган ёшни кўриб юрагим вайрон бўлди. Шу лаҳзада унга бир юпанч сўз ҳам айта олмадим. "Йиғласин, кўнглини бўшатиб олсин, анча енгил тортади", - дедим ўзимга-ўзим.

- Сизлар шоир халқи, шеър билан юракни бўшата-сизлар, мен эса йиғлаш билан, - дейди у худди фикримни ўқиб олгандек. - Шу кунларда йиғлаган билан қайта дардим ортиб борапти. Илтимос, менга атаб бир шеър ёзсангиз, шу шеър билан ўзимни овутардим...

Юлдуз! Бу шеърни нафақат сен, Равшан ҳам ўқишини, токи сенинг унга сўнгги бора айтолмаган армонларингдан хабар топишини истардим. Майли, у аёлни қўйиб турай, унинг бу шеърни ўқишига тилакдош ҳам эмасман. Инчунун, шеър — гўзал қалблар ошноси, виждони қирлаган, нафсини бировлар бахтидан устун қўйган инсонлар эса бундан мустасно.



O, муҳаббат

Кўзларимга бу дунёни тор қилдингиз, Юрагимни муҳаббатга зор қилдингиз. Кумушимни, билмам, кимни ёр қилдингиз, Ҳеч бўлмаса юрмасмидим Зайнаб бўлиб?!

Пешонамининг ёзуғида ҳижрон расми, Ё раб, тақдир деганлари шунча пастми. Аёл қалби меҳрга зор бўлар асли, Девоналар бўлмасмидим Зайнаб бўлиб?!

Ҳеч рўшнолик татимайдми юрагимга, Кўзим юмдим "кўзим очиб кўрганимга". Ачинаман Кумуш бўлиб суйганимга, Билганимда суймасмидим Зайнаб бўлиб?!

Сиз "Бек" эмас, муҳаббатдан қалби етим, Ҳиссиз қалбга умидимни қилдим ўтин. Кумушингиз "Кумуш" бўлса, куймасмидим, Охир жондан тўймасмидим Зайнаб бўлиб?!

Тақдир шунча синаса ҳам бардошимни, Қарғишларга қоршимадим қуёшимни. Фақат... қайтиб беринг кўнгал қуёшимни-Тафларидида куймасмидим Зайнаб бўлиб?!

Худойимдан бахт сўрадим ўзингизга, Рози бўлинг, берган нону тузингизга. Қолар бўлсам, бошим қўйиб изингизга, Ҳазондайин сўлмасмидим Зайнаб бўлиб?!

Кўзларимга бу дунёни тор қилдингиз, Юрагимни муҳаббатга зор қилдингиз. Не ният-ла қадам қўйган остонамни, Бахтимизга бегона, ағёр қилдингиз. Яшолмадим бир кунгина яйраб-қулиб, Ҳеч бўлмаса юрмасмидим Зайнаб бўлиб?!

Муҳаррам РАҲАБОВА

Навоий вилояти Нурота тумани

...17 ёшимда мен билан бирга ўқийдиган З. исмли қизга кўнгал қўйдим. Уни ҳаммадан, ҳаттоки, ўз дўстларимдан ҳам қизганардим. Дарсга келмай қолган кунлари худди бир нарсанини йўқотгандек, ўзимни қўйишга жўя тополмай қолардим. З. жуда даям чиройли қиз эди. Уни кўриб турсам, кўзимга олам гўзал кўриниб, мендан бахтиёр одам эшитдим, устимдан бир челақ сув қуйиб юборгандек, вужудим музлаб кетди. Ич-ичимдан титроқ босиб кела бошлади. "Нима учун?", "Қандай қилиб?", "Бўлиши мумкин эмас?", "Дўстим!?" деган саволлар гўжон ўйнай бошлади. Бошимни чангаллаганча бир муддат ўтириб қолдим. Кейин севагим З.га қарадим-да, ёнимда турган бу хилқат, менинг

қўйишди. Ҳозир З. билан дўстимнинг бир ўғилчаси, бизнинг эса қизчамиз бор. Хотиним ширинсўз, меҳрибон аёл. Бироқ юрагимда ҳамон биринчи муҳаббатим солган ишқ изтироблари-ю, дўстим хиёнатидан қолган жароҳатлар битган эмас... Баъзан севагим учун курашим керакми? З.ни олиб узоқларга кетворимиз керакми, деб ўйлаб ҳам қола-

СЕВГИГА САЖДАЛАР ҚИЛАВЕРАМАН

йўқдек сезардим ўзимни. Ана шундай дамларда мен З.сиз ашай олмаслигимни англадим. Муҳаббатимни изҳор қилишга ўзимда куч топа олмадим. Унга бўлган севагимни юрагимда асрай-асрай 2 йилни ҳам ўтказдим. Ниҳоят, мактабни битириш арафасида унга дардимни айтдим. З. менга аниқ жавоб бермади. Эзилиб, ўртаниб юрганимда унинг дугонаси Д. З. ҳам анчадан бери мени севишини айтди. Гарчи ўзидан бу икромни эшитмаган бўлсам-да, унинг кўз қарашларидан мени севишига ишонардим. Бу орада мактабни битириб, мен Тошкент Тиббиёт институтига, З. ҳам Тошкентдаги олий ўқув юртиларидан бирига сиртдан ўқишга кирди. Ҳар гал қиллоққа борганимда З.ни кўриб турардим. Дўстона учрашувлар ҳақиқий сева учрашувларига айланди. Биз бир-биримизни кўрмасак, соғиниб қолардим бўлди. Аҳду паймонимиз қатъий, ҳаттоки нариги дунёга ҳам бирга кетишга рози эдик...

дунёдаги ягона гўзал омонат бўлиб қолганлигини ўйладим, унинг қўлларини маҳкам ушладим. Бўғзимга аччиқ бир нарсаси тикилиб: "Энди нима қиламиз?", дея олдим зўрга. У бўлса, фақат мени дейишини, агар истасам, мен билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетишга тайёр эканлигини айтди. Мен тезликда бир қарорга келолмасдим. Шунинг учун жўяли бир гап айтмай, у билан хайрлашдим. Севгилимни бой бериб қўйишим бир азоб, кўра-била туриб дўстим қилган хиёнатни эса, ундан-да каттик азоб эди... Жуда кўп ўйладим. Уйларимнинг тагига етолмай қийналдим. Охири ўзимни қўлга олишга, мен учун ўлимга тенг айрилик азоби-ни тортишга мажбурлигимни тушундим. Мен вазиятнинг чигаллашшини, З.нинг фотихасини бузишини ва унинг ота-онасининг обрўсини ўйлаб, шу қарорга келдим. "Андашанинг оти кўрқок" эмас-ку!? Мен З.нинг "Қочиб кетайлик", деган таклифини кўрққанымдан эмас, ўз ота-онамининг юзига оёқ қўя олмаслигим учун рад этдим. Тўғриси айтсам, яна бир нарсани, дўстим жўраларимиз даврасида менинг кўзимга бир умр тик қарай олмай, виждон азобида ўтишини истадим.



ман... Азизлар, мана сизга бешафқат ҳаётнинг синовлари-ю, чин севаги тўсиқлари, жонажон дўст хиёнатини бошидан кечирган муҳаббатим тарихи.

Муҳаббат шундай ноёб дурдонаки, у меҳмон бўлган юрак соҳиби кўзингизга меҳригисини бор инсон бўлиб кўринар экан. Агар бу қалб хиёнатдан жароҳатланса, сиз ҳам бештиёр озорлар экансиз... Истиқоматингиз дўстингизга..." деганларидек, ёнингда юрган одамларни баъзан ким эканлигини ҳам билмай қолар экансан.

Хулоса чиқаришни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилиб, ушбу шеъримни ёздим:

Истасанг-истамасанг севавераман, Севгига саждалар қилавераман. У дунёга "юр", деб етакласанг гар, Иккиланмай ортингдан кетавераман.

Тилагим сен билан бахтимни топмоқ, Ишқнинг шаробини бир бора тошмоқ. Лайли-ю, Махжундек ишқ гадосиман, Бунчалар азоб экан, севадиган тошмоқ... НОДИР

Эги имтиҳонларни топшириб, севагимнинг олдига қанот боғлаб учгудек бўлиб қайтдим. Аммо, бу сафар З. мени юзларида севаич ўрнида маъноси, кўзларидаги қувонч ўрнида ҳам билан қутиб олди. Мен унинг бу ғамгин кўриниши сабабини сўрадим. З. менинг энг яқин дўстимдан совчи келганлигини, ота-онаси унинг қаршилигига қарамай, бир хафта олдин унаштириб қўйишганлигини ва мен билан учрашишини қатъиян маън қилишганлигини айтди. Унинг бу гапларини

КЎЗЛАРИНГИ ЭСЛАЙМАН ҲАНОЗ...

"ҲАБИБАМГА МАКТУБЛАР" ТУРКУМИДАН

- Қачон боришадми... уйингиздагилар? - оҳиста шивирладиг ердан кўз узмай. Мен бир муддат жимиб қолдим. Сўнг:

- Барибир сиз томондагилар кўнмаса керак. Негаки...

Гапимни тугата олмадим. Қайноқ бармоқларинг титроқ лабларига босилди. Бармоқларинг ҳам титрарди.

- Керакмас! Гапирман! Ҳаммасини биламан, - дедим кўзларимга тикилиб.

Орага жимлик чўқди. Сигарет тутатдим. Иккимиз ҳам кўкимтир тутунга термулиб қолдик. Яна шивирладим:

- Менга ишонинг, сизнинг ўтган ҳаётингиз билан боғлиқ гаплар хабада ҳеч ким оғиз очмайди! "О, нақадар бағрикенглик! Наҳот мен шунчалар ишонча лойиқ бўлсам? Бу қандай ҳол: бахтми ёки тасодиф?..."

- Биласизми, - дедим гап орасида, - бу кеча тушимда мени қаттиқ ранжитибсиз, мен роса йиғлабман. Айтишади-ку, қизларнинг тушлари аксинча келади, деб...

Сен тушингда йиғлабсан, мен эса... неча йилдирки, ўнгимда йиғлаб юрибман. Ҳа, тушингни акси бўлди — сен эмас, мен йиғлаётирман:

Алам ўти ичра дил ёниб, Охлар чекиб, титраб-тўлғониб. Тун ярмида ногоҳ уйғониб, Кундузимни кўмсаб йиғларман!

Ҳиллолдайин эгма қош ўшал, Тўлин ойдек париваш ўшал. Кўбш мисол чўғ-оташ ўшал, Гул юзини кўмсаб йиғларман!

Ғамларимни япроқдек тўкиб, Гоҳ мағруру, гоҳ тиз чўкиб. Фалак томон тунлар кўз тикиб, Юлдузимни кўмсаб йиғларман! ...Тўйинг арафасида охири марта учрашдик. Бу — чин маънодаги хайрлашув эди. Сенинг китрикла-

ринг томчилардан эгилди, менинг юрагим аламлардан эзилди.

- Тўхтатишининг илоҳи йўқми? - сўрадим. Анча вақт сўзсиз ўтирдим. Кейин:

- Сизга таъна қилмоқчи эмасман, лекин... - кўзингдан сизган ёшни артиб давом этдинг, - лекин бир оғиз сўзингизни бир йилдан ортиқ кутдим. Сиз эса... сиз эса, ҳатто кўпинча ширин сўзни ҳам аярдингиз. Икки ой олдинги ранжитишингиз... Лоақал телефонда бўлса ҳам узроҳлиқ қилишни истамадингиз. Фақат... фақат мен билан нега бундай муомалада бўлиб келганингизни сира-сира тушуна олмаман!

Сенинг тушуна олмаслигинг рост. Аммо мен тушунаман. Лекин бу ҳақда ўша пайтлар рўйи-рост айта олмадим. Сени йўқотиб қўйишдан чўчирдим. Ушанда очик айтолмаганим — аччиқ ҳақиқатни гарчи кеч бўлса-да, бу кун ошкор этишга жазм қилдим. Балки мени тушунарсан, балки... **Дилмурод САЙИД**

ШАМОЛЛАШНИНГ ДАВОСИ - ЧОЙ!

Грипп тарқалган пайтда сиз чойни одатдагидан кўра кўпроқ ичинг. Ана шунда грипп сизга юкмайди! Шамоллаган кишининг соғайиши учун дори кутисини ҳадеб очавериши шарт эмас, аксинча юзюк

дамланган бир пиёла кўк чой бўлса кифоя. Мабодо, иссингиз чиқса, бир пиёла аччиқ чойга лимон бўлаклари ёки малина мураббоси солиб инсангиз бас, терлайсизу дарров энгил тортасиз. Йўталаётган бўлсангиз бурнингиз тешиклари илқина кўк чой билан ювиб турсангиз, шилликларни

оқизиб, бурун деворларини микроблардан "тозалайди". Ангинада эса ҳар уч-тўрт соатда томоғингизни аччиқ дамланган кўк чок билан чайиб туринг. Ўпка шамоллаганда ҳам бу усул фойда беради. Кўк чой нафасни раволаштиради, ўпка фаолиятини яхшилади.

СУТ ИЧИБ, КЎНГИНГИЗ АЙНИСА...

Баъзи бировлар сут ичса кўнгли айниб, ичаклари қулдирайди. Сутни "кўтара олмаслик"ка танада сут қандини парчалайдиган лактоза ферментининг йўқлиги (бўлса-да фаол эмаслиги) сабаб бўлади. Оқибатда сут қандининг бижғиши меъда-ичак фаолиятининг издан чи-

қишига олиб келади. Киши танаси сут оқсилларига ўта сезгир бўлган ҳолатда ҳам унга сут ёқмайди. Бундай вақт (яъни сут ҳазм бўлмаган)да сутга чой ёки қайноқ сув қўшиб ичинг. Қатикнинг озиқли хусусияти анча юқори, шунингдек, уни организм анча осон сингдиради.

шифобахш ўтлардан чой дамлаб ичинг, мева шарбатларини қанда қилманг. Эндорфин гормони қанда тушганда эса сиз ҳаётдан лаззатланасиз, ўзингиздан қониқасиз, жисмигиз бахт оғушида бўлади. Бу гормонни рағбатлантириш учун вақт топиб ўйнаб турсангиз кифоя. Ацетилхолин гормони диққатингизни бир жойга тўтлаб, баракали ижод қилишингизга кўмаклашади. Гимнастика билан шуғулланиш, шахматшашка ўйнаб, кроссвордларни ечиш орқали бу сеvimли гормон фаолиятига йўл очиш мумкин.

Агар сизнинг кўларингиз чарақлаб, юзларингиз лоларанг бўлиб кўринса, демакки сиздаги тироксин гормони юзга чиққан ҳисобланади. Ҳўш, у қандай пайтда юзга чиқади? Бунинг учун танангизни доимо йод билан етарлича таъминлаб турсангиз бас, энергия гормони - тироксин сизга ҳаммиша ҳамроҳ бўлади. Йод шун туси, маъдани сувлар, денгиз баллигида, шунингдек хурмо, ёнғоқ ва бодринг сингари мева-сабзавотларда мавжуддир. Бордию, ҳаракатларингиз ўзаро уйғун, қадамларингиз қўшдек ен-

ТИРОКСИН - ЭНЕРГИЯ ГОРМОНИ
гил бўлса, билингки сиздаги допамин гормони рағбатлантирилмоқда! Тез-тез рақсга тушиб турсангиз, ушбу гормон фаолиятини сизни беҳад қувонтиради. Айтингчи, сизнинг қон босимингиз ҳаммиша меъёрида бўладими? Агар бу савоалга ижобий жавоб қилсангиз, у ҳолда сиздаги вазапрессин гормонининг ҳам "иши" жойида! Чунки, бу гормон организмда туз ва сув миқдорини бир меъёрга келтиради. Ушбу гормонни рағбатлантириш учун

шифобахш ўтлардан чой дамлаб ичинг, мева шарбатларини қанда қилманг. Эндорфин гормони қанда тушганда эса сиз ҳаётдан лаззатланасиз, ўзингиздан қониқасиз, жисмигиз бахт оғушида бўлади. Бу гормонни рағбатлантириш учун вақт топиб ўйнаб турсангиз кифоя. Ацетилхолин гормони диққатингизни бир жойга тўтлаб, баракали ижод қилишингизга кўмаклашади. Гимнастика билан шуғулланиш, шахматшашка ўйнаб, кроссвордларни ечиш орқали бу сеvimли гормон фаолиятига йўл очиш мумкин.

ЮРАК ХУРУЖИ ТУТСА...

Кишиларда юрак хуружи бир данига пайдо бўлмайди. Балки организм бу ҳақда анча илгарироқ хабар беради. Ана шу "аҳборот"ни тўғри фахмласангиз, ўз ҳаётингизни сақлаб қолишингиз мумкин. Яъни, юрак хуружининг асосий аломатларидан бири шуки, кўкрак қафасингиз ўртасида босилиш ҳисси пайдо бўлади. Аслида юрак ҳамма ўйлаганидек чап томонда эмас, худди шу жойда туради!

Ҳўш, кўкрак қафаси ўртасида босилиш ҳисси пайдо бўлди, дейлик. Кейин-чи? Кейин оғриқ ҳисси аста-секин зурайиб, кўкрак қафаси бўйлаб тарқалади, аввал чап қўлга, сўнг ўнг қўлга ва елка томонга ёйилади. Оғриқ қорин соҳасида сезилиши ҳам мумкин. Шунга аҳамият берингки, юрак хуружи бошланғич олдидан киши қаттиқ терлайди, ўзини ёмон ҳис этади, қайт қилиши ёки нафас олиши қийинлашиб қолиши ҳам мумкин. Бундай аломатлар пайдо бўлса, дарҳол уйга ши-фокорни чақиринг.

Ҳўш, кўкрак қафаси ўртасида босилиш ҳисси пайдо бўлди, дейлик. Кейин-чи? Кейин оғриқ ҳисси аста-секин зурайиб, кўкрак қафаси бўйлаб тарқалади, аввал чап қўлга, сўнг ўнг қўлга ва елка томонга ёйилади. Оғриқ қорин соҳасида сезилиши ҳам мумкин. Шунга аҳамият берингки, юрак хуружи бошланғич олдидан киши қаттиқ терлайди, ўзини ёмон ҳис этади, қайт қилиши ёки нафас олиши қийинлашиб қолиши ҳам мумкин. Бундай аломатлар пайдо бўлса, дарҳол уйга ши-фокорни чақиринг.

ХУРМО АФЗАЛМИ Ё ОЛМА?

кан. "Барибир уни кўп емаслики маслаҳат берамиз,- дейишди улар. - Чунки,петрушка меъёридан ортиқ истеъмоладан аёлларда ҳайз циклини издан чиқариши мумкин, шунингдек қон босими бор кишилар ҳам бу ошқўкни унчалик кўп емаганлари маъқул..."

Япониялик мутахассислар мумтоз қўшиқларни эшитиш ёки лаванда (хушбўй ўсимлик)ни хидлаш мияга қон оқиб келишини беш фойизга камайтиради, деб ҳисоблашади. Демак, бу ҳолатда бошдаги оғриқлар барҳам топаркан.

Канадалик олимлар тўйиб ухламаган кишининг интелекти (куват даражаси) ҳар соатда бир фойизга камайишини аниқладилар. Ҳар куни уч соатча кам ухлаган одамнинг интелекти бир ҳафтада ўн беш фойизга камайиб кетаркан.

ОВОЗ БЎГАЙИБ ҚОНГАНА

Юз грамм сабзини ярим литр сутда пишинг. Сўнгра доқадан ўтказиб, сабзили сут билан томоғингизни фарғара қилиб чайинг. Иссиқ творогни сочиққа ўраб, тунда томоғингизга ўраб ётинг. Етиш олдидан қунабоқар мойидан томоғингизга компресс қилинг.

ИНФАРКТ ЮҚУМЛИМИ?

"Аниқланишича, айни вақтда аҳолининг 20 фойизи гипертония, 8 фойиздан кўпроги юрак ишемик хасталиги ва унинг оғир тури бўлган миокард инфарктига чалингани кузатилади",- дейди юракшунос олим, профессор Рашанбек Қурбанов. Ҳўш, нега шундай? Чунки, ҳаракатнинг камлиги, таркибида холестерин кўп бўлган таомларга ружу қўйиш ҳамда муттасил сигарета чекиш бу хавфли касалликнинг юзга келишига сабаб бўлади. Юрак ишемик касаллиги авлоддан авлодга ўтади. Яъни, олтимиш ёшигача бу хасталик билан оғриган кишиларнинг фарзандларида ҳам шу дард учраши мумкин. Шуниси аянчлики, миокард инфаркти билан оғриб ўтган кишиларнинг 25-30 фойизиди бу хасталик ҳар 5-6 йил ичида яна такрорланиши мумкин.

НОН - ШИФО

Улуғ ҳақимларинг айтишларича, сарик касалига чалинган киши қаттиқ нонни анор шарбатига қўшиб еса фойда топаркан. Ошқозон бузилиб ич кетса, кунига уч маҳал қаттиқ нон еб, ус-тидан бир пиёла қатик ичиб юборилса бир пайдаи катта. Ошқозонида ачишиш пайдо бўлган беморлар нонни асалга ботириб ейиши кераклигини ўтмиш табиблари уқтиришган. Нонни сутга тўраб еган кишининг ҳазм аъзолари иши яхшиланади. Хаамири сутга қорилган нон барча касалликларга парҳез ўрнига ўтаркан.

Билал
Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

(Боши ўтган сонда.)


Ҳозир эса эр ҳам, энгил машина ҳам йўқ. Бозорга автобусда боради. Икки катта сумкани бозордан автобус бекатига ўзи кўтариб чиқади. Бу эса нозик аёл учун осон эмас. Автобусдан тушиб, микрорайон ичкарасида, учинчи қаватда жойлашган квартираларига боргунча яна қўлда юк билан йўл юришга тўғри келади. Уйда қанча ёки телевизор бузилса, Комиланинг ўзи ишдан қолиб устага юғради. Яқинда Комиланинг ишончаси олдиданги озиқ-овқат магазинида олиб нав ун сотилди. У ўша ундан бир қоп олиб, бир энгил машинани кира қилди. Ҳайдовчи уни йўлак эшиги олдидан қолдириб, шошаётганлигини баҳона қилиб жўнаб қолди. Комила одам топиб, қопдаги унни учинчи қаватга олиб чиққунча анча

бўлмайди», деди. Комила акасига телефон қилиб бўлган гапни айтиди-да, қизини қўниси-ниқиди қолдириб, ўғлини "тез ёрдам"да шифохонага олиб кетди.

Акаси эрталаб шифохонага бориб: "Лолани ҳовлига олиб кетдим. Сен хотиржам ўйлаб ўғлингни тузатишни ўйлай-вер", - деди. Тушга яқин яна келиб шифокор айтган дори-дармонларни ташлаб кетди. Лекин Шавкатнинг ҳарорати дам пасайиб, дам яна кўтарилиб беш кунгача бир неча марта кетса кетгудай ҳолатга тушди. Шунда Комила туллари шифохона равоғига чиқиб юмюк йилғлади. «Ҳа, инсофсиз, диёнатсиз Сайфулла-я! Олгунингча ортимдан итдай эргашиб ялтоқлангандинг, не-не ваъдаларни бермагандинг,- деб ҳаёли-

МЕҲРИБОН КУНДОШЛАР

овора бўлди. Бир куни уй йиғиштирати-ётиб, сервант ортини исбосганлигига эътибор берди. Бир ўзи сервант-ни сургунча кўп қийналди. Баъзан туллари Комиланинг уйқуси учиб кетарди. Икки ёнбошида пишиллаб ухлаб ётган икки фарзандига термулиб, эрининг номардлигини ўйларди.



Комила туғилган, болалиги ўтган Эски шаҳардаги ҳовли айвоғига илгаридан қалдиришга уя қуради. Ёзда мода қалдиришга тухум босиб ётганида, нар қалдиришга уя тинмай озуқа таширди. Болалари тухумни ёриб чиққанидан кейин икки қалдиришга ўз наслларини учирма қилиш ҳаракатида бўлардилар. Болаларига бирон-бир хавф туғилгудай бўлса, иккиси ҳам чуғурлаб, атрофида парвона бўлишарди.

дан ўтказди у. - Ўлдим-қуйдим деб ёзган мактубларинг ҳозир ҳам уйдаги қутига турибди. Қани у ваъдаларга вафо қилганинг?! Фарзандларини тир-рик етим, мени эса қанотни қайрилган қушдай қилиб кетдинг-да. Шошма ҳали, аёл бўлсам ҳам гурурим бор. Менга номардлик қилдингми, сени ҳам тинчти-майман. Оилани бузган, болаларимнинг риск-насибасини қийган ўша таннозинг билан ҳам бир гапшайиб қўяман. Қани кўрайчи, унинг мендан нимаси ортиқ экан?». Комила эри илашган жувон "Нурафшон" даҳасида мудар бўлиб илашгани, исми Феруза эканлигини билганди. Кейин суриштириб, яшаш жойини ҳам аниқлади. Шавкатни шифохонадан олиб чиққан куннинг эртасига қундошиникига бориб, "ошиқ-маъшук"ларнинг шарманчасини чиқармоқчи бўлди. У шундай қилса, ичидида гам-андуҳ тарқалиб, энгил тортади-гандай эди.

Ҳикоя

Комила қизалоқлиқиди шу воқеани эсларкан: «Қизик, қалдиришга на ақл, на онг бор, лекин ўз насли олдидида бурч ва масъулиятни айрим инсонлардан яхшироқ англайди-я», - деб ўйларди. Агар шу қушлар жуфт бўлмаганларида насл қолдиришолмасди, уларни учирма ҳам қилишолмасди. Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотни беҳудага жуфт қилиб яратмаган экан. Яхши фарзандлар ўстириб, уларни бахтли қиламан, деган инсоннинг ҳам албатта жуфти ҳалол бўлиши керак экан. Комила бева бўлиб қолганидан кейин, айниқса бунга чуқур ҳис эта бошлади.

Комила эри илашган жувон "Нурафшон" даҳасида мудар бўлиб илашгани, исми Феруза эканлигини билганди. Кейин суриштириб, яшаш жойини ҳам аниқлади. Шавкатни шифохонадан олиб чиққан куннинг эртасига қундошиникига бориб, "ошиқ-маъшук"ларнинг шарманчасини чиқармоқчи бўлди. У шундай қилса, ичидида гам-андуҳ тарқалиб, энгил тортади-гандай эди.

Бир куни ёмон иш бўлди. Ташқарида қор ёғиб турганида Шавкат юпун қийим билан кўчага чиқиб кетиб, қор кечиб, муз учиб шамоллаб қолди. Кечқурун бирдан унинг иссиғи кўтарилиб, қирққа чиқиб кетди. Комила "тез ёрдам" чақиртирди.

Яқшанба куни эрталаб қундоши яшайдиган даҳага бориб, 35-уйни излаб топди. Иккинчи йўлакка кириб Феруза яшайдиган хонадон эшиги олдиди тўхтади.

Шифокор пешонаси қўяндай қизиб, нафас олиши оғирлашаётган болани кўриб: «Ўпкиси икки томонлама шамоллаган, тезда шифохонага ётқизмаса

Комила эшикни хоҳ эрим, хоҳ қундошим очсин, шаппа ташланади, юзини юлиб, бўйнидан бўғаман, дод солиб, тумонатни тўлаб, шармандаларини чиқараман, деб аҳд қилган эди.

(Давоми бор.)
Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - яқка обуначилар учун 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1039. Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 20488
Саҳифаловчи — **Ақбар ШОДИЕВ**.
Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.
Навбатчи - **М. СОДИҚОВ**.